


АДОЛАТ

Ўзбекистон
«Адолат» сotsial-
demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz • № 48 (908) • 2012-yil, 30-noyabr, juma



Ўзбекистон
Республикаси
Конституциясига
20 йил



Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий ифодаси

Конституция давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги кифёси, ҳаёт тарзи, балки келажигини, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини белгилаб берувчи ҳужжатдир. Унда зикр этилган мақсад ва вазифаларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш йўлида муттасил иш олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамиятда, ҳар қайси оила ва фуқаро ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, десак янгилишмаган бўлаемиз.

Шунинг учун ҳам мана шу давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни баҳолаб эканмиз, эришган натижа ва марраларимизни Конституция олдимишга қўйган мақсадлар билан таққослаб, тегишли хулосалар чиқариш ўринли бўларди.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг бир гуруҳ фаоллари, депутатларидан иборат бугунги суҳбатдошларимиз ҳам миллий давлатчилик пойдеворини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим роль ўйнаганлигини эътироф этишди.

Давоми 3-бетда ➤

Давоми 4-бетда ➤

Бош қонунимизнинг ҳаётбахш қоида ва принциплари

миллий тараққиётга хизмат қилмоқда

Яна бир неча кундан кейин мустақиллигимизнинг ҳуқуқий рамзи, кўпмиллатли халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва эзгу ниятларини ўзида тўла акс эттирган, тенглик, эркинлик, миллатлараро тинч-тотувлик каби умуминсоний қадриятларга асосланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — Бош Қонунимиз қабул қилинганининг йигирма йиллигини нишонлаймиз. Ўтган йиллар ичида бу тарихий ҳужжат янги демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг жамият олдида тенглигини, уларнинг тили, дини, урф-одатлари ҳамда миллий қадриятлари ҳурмат қилинишини таъминловчи мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Айни чоғда Конституция мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти қарор топишининг ҳуқуқий кафолати сифатида истиқлол туфайли ўз олдимишга қўйган улғувор вазифаларга эришиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга қанот бахш этди, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини янгилаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим гарови бўлиб қолди.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган, Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида миллий ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлини аниқ-равшан белгилаб олди. Конституциямизда мамлакатимизда демократик тараққиётни таъминлаш, бу йўлда собитқадамлик билан олдинга қараб бориш, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принциплари ўз аксини топди. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакатни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш модели асосида ўтган йиллар давомида бу мақсадга эришиш борасида мисли

кўрилмаган ишлар қилинди, дея айта оламиз. Шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон давлати собиқ тузумнинг иқтисодий ва мафқуравий асоратларидан қутулиб, дунё ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоларидан бирига айланди, ўз йўли ва мавқеига эга бўлди. Йигирма йил ичида моҳият ва мазмунига кўра бир неча ўн йилликларга тенг келадиган тараққиёт ва ривожланиш йўлини босиб ўтдик.

Қонун лойиҳалари

атрофлича муҳокама қилиниб, партия позицияси нуқтаи назаридан тақлиф ва тавсиялар билдирилди



Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, Қонунчилик палатаси кўмиталари вакиллари, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, партия экспертлари, фаоллар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда қатор долзарб масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда дастлаб «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлигини қисқартириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгар-

тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамаси юзасидан Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси А.Тўхтабаевнинг ахбороти тингланди.

Давоми 2-бетда ➤



«Фаол аёл — партия таянчи ва мададкори»

сиёсий ўқув ва кўрик-танлов якунлари буни яна бир бор исботлади

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, касб-ҳунар эгаллашлари ва қобилиятларини намоён этишларига шароит яратиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ўз дастурий гоёларидан келиб чиқиб, хотин-қизларга оид қонунчиликни тақомиллаштириш, уларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига

жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратиغا эга аёллар учун янада кенг имкониятлар яратишга қаратилган сўй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Партия Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Фаол аёллар — партия таянчи ва мададкори» мавзuidaги сиёсий ўқув ҳамда «Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси» кўрик-танловининг республика босқичи бу борадаги ишларнинг амалий ифодаси бўлди.

Давоми 5-бетда ➤

«Адолат»га ишонч ортимоқда Вакилимиз голиб чиқди

Куни кеча пойтахтимизнинг ҳамза туманидаги 33-Тараққиёт сайлов округида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги бўшаб қолган ўринга сайлов бўлиб ўтди.

Сайловда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вакили, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Жовдатхон Инагамов голибликни қўлга киритди.

Биз «Адолат» СДП гоёларини қўллаб-қувватлаган кўп сонли сайловчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз. Ишончимиз комилки, вакилимиз депутатлик фаолиятида электоратимиз манфаатларининг ҳимоячисига айланиб, сайловчилар ишончини оқлайди.

«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун обуна давом этмоқда!

Вақтида обуна бўлишни унутманг, ана шунда газетани излаб овора бўлиб юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга ёки уйингизга кириб келади!

«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!

Нашр кўрсаткичи 100.

Партия ҳаёти

Қонун лойиҳалари

атрофлича муҳокама қилиниб, партия позицияси нуқтаи назаридан таклиф ва тавсиялар билдирилди

Давом. Бошқ 1-бетда

Маърузачи ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги, «Бож тарифи тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилганлигини таъкидлади. Муҳокамада сўзга чиққан депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Умид ЖУМАНИЁЗОВ, фракция аъзоси



— Солиқ кодексининг 209-моддасига киритилган қўшимчада тижорат банклари томонидан миқозларнинг ҳисоб-рақамларида электрон масофали хизматларни қўшилган қиймат солиғидан озод этиши назарда тутилган. Ушбу тақриф Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг иқтисодий таъминотида телекоммуникация технологияларини жорий этиш ва уни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги мақсадларига тўла мос келади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 266- ва 267-моддаларига киритилган ўзгартиришлар номоддий активларни юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиқ солиш объектдан ва солиқ солиш базасидан чиқариб ташлашни назарда tutиб, мол-мулк солиғи бўйича солиқ юкни камайтириш, шунингдек, патентланган технологияларни ва бошқа интеллектуал мулк объектларини жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, инновация туридаги иқтисодийни ташкил этишга, уни ривожлантиришда мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, ушбу қонун лойиҳаси партияимиз дастурида белгиланган аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш ҳамда даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича амалга ошираётган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги мақсад ва вазифаларига ҳамроҳдир.

Қонун тартибидеги иккинчи масала — «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси)



тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Н.Айтжанова ахборот берди. Таъкидлаш керакки, одамнинг иммунитет танқислиги вирус (ОИВ) чақирадиган ОИТС касаллиги бугунги кунда барча мамлакатлар учун глобал муаммага айланган. Бу касаллик асосан, аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини зарарлаши, унга чалинганларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун сарфланадиган харажатларнинг катталиги, шунингдек, мамлакатнинг демографик ҳолати, иқтисодий тараққиётига ҳам хавф туғдиради. Хас-талиқка чалинганларнинг камситилиши мумкинлиги, аҳолининг соғлом турмуш кеңириши ҳамда миллий тараққиёт ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатади.

Республикаимизда мазкур касалликнинг олдини олиш борисида тизимли ишлар олиб борилаётган. Ушбу соҳага оид барча муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласи ҳам босқичма-босқич тақдимлаштириш орқали амалга ошириляпти. Бу йўналишдаги ҳуқуқий масалалар амалдаги 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

Қонун қабул қилингандан кейин ўтган давр ичида тўпланган тажрибага асосланиб халқаро миқёсда ОИВ касаллиги тарқалишига қарши кураш масаласига ёндашувлар кескин ўзгариб бораётгани туфайли соҳани тартибга солишчи амалдаги қонуни тақдимлаштириш зарурати туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан бу

йўналишдаги устувор қўшимча чора-тадбирлар тўлиқ назарда тутилган. Мазкур қарорнинг нормалари ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш масалаларига қаратилган. «ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш» масаласи эса «ОИВ касаллигининг олдини олиш»га нисбатан бирмунча кенг тушулган бўлиб, у касалликнинг олдини олиш, диагностика ва даволаш каби масалаларни ҳам қамраб олади. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир раислигидаги ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси фаолият олиб борапти. Мазкур комиссиянинг ваколатлари, унинг тузилиши тартиби, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш фаолиятини олиб борувчи давлат органлари, уларнинг ваколатлари ва вазифалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашдаги иштироки каби масалалар соҳани тартибга солишчи нормалар амалдаги қонунда йўқ.

Шунингдек, амалдаги қонунда ОИТС/ОИВ касаллиги юққан-юқмаганлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтиш ҳуқуқи белгиланган бўлса-да, бироқ унинг турлари — ихтиёрий, шартли ва мажбурий текширувлардан ўтиш қондалари қонун билан тартибга солинмаган. Инсон ҳуқуқлари таъминлашини ифода қилувчи тегишли халқаро ҳужжатлардаги «касалликка чалинганларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларнинг махфийлигини сақлаш» қондалари талабларига кўра қачон ихтиёрий, қачон шарт ва қачон мажбурий тиббий текширувдан ўтказилиши ҳақидаги қондалар белгилаб қўйилмаган.

Амалдаги қонуннинг 6-моддасида «ОИТС/ОИВ касаллигини юқтирганлар тиббий ку-

затув остида бўлиши шарт»лиги белгиланган. Бироқ «тиббий кузатув» қандай амалга оширилиши, унинг тартиби қайси орган томонидан белги-ланиши қонунда мавжуд эмас.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мутасадди шахсларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан янада аниқ белгилаб қўйилган.

Муҳокамаларда сўзга чиққан фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бирга, уни янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи таклиф ва тавсияларни ҳам баён этишди.

Қамола ҲАМИДОВА, фракция аъзоси



— Қонун лойиҳасининг 4-моддасида аҳолини ОИВ инфекцияси юққан ёки юқмаганлигини аниқлаш мақсадида тиббий кузатув учун шарт-шароитлар яратиш, тиббий текширувлардан ўтказиш бепуллиги белгиланган. Бизнингча, ушбу моддада ОИВ юқтирилган малакали махсус тиббий ёрдамнинг барча турлари, даволаш-профилактика муассасаларининг стационарларида даволаниш, дори-дармонларнинг бепул тақдим этилиши каби масалалар ҳам ўз аксини топиши лозим. Шунингдек, ОИВ инфекцияси муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотларни ривожлан-

тириш масалаларини давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш ҳам лойиҳанинг 4-моддасида ўз аксини топса мақсадга мувофиқ бўларди. Мазкур қонун лойиҳаси ҳам дастурий гоъларимизга ҳамроҳан бўлиб, электротимиз манфаатларига хизмат қилади. Зеро, партияимиз аҳолининг кенг қатламларига кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори.

Қонун тартибидеги учинчи масала — «Табийи монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси М.Сайфитдинова ахборот берди.

Маърузачи таъкидлаганидек, давлат томонидан кўрсатилган қўллаб-қувватлашлар (янгича ташкил этилаётган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибларини соддалаштириш мuddатлари ва харажатларини қисқартириш) натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши орқали транспорт инфратузилмаси бозори айрим қатнашчиларнинг монопол таъсири ва бир жойга жамланиши даражасини сезиларли пасайтиришга эришилмоқда. 2012 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига табиий монополиялар давлат реестрида 111 та транспорт терминали хизматларини кўрсатувчи корхоналар мавжуд бўлиб, шундан 58 таси (52,3 фоизи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир.

Мазкур қонун лойиҳаси орқали бозорни жадал ривожланиши, уларга кириб келаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши ҳисобида истеъмолчиларнинг талабларини қондирилиши муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг «Табийи монополиялар тўғрисида»ги Қонунига келгусида соғлом рақобат муҳитини яратиш имкониятига эга бўлган бозор соҳаси сифатида «транспорт терминаллари» хизматларини давлат томонидан тартибга солинадиган соҳалар рўйхатидан чиқаришни назарда тутган ўзгартиришни киритиш таклиф қилинмоқда.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси ҳам партияимизнинг ижтимоий адолат, қонун устуворлиги каби гоъларига мос келади.

Шунингдек, қонун тартибидеги бошқа масалалар ҳам депутатлар муҳокамасида бўлди. Қизгин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позицияси нуқтаи назаридан ўз таклиф ва тавсияларини билдириб, қонун лойиҳаларини маъқуллади.

Фарҳод ЭСОНОВ, «Адолат» мухбири

Энергияни тежовчи иссиқхоналар

Республикаимизда энергия тежовчи иссиқхоналар яратиш бўйича ҳамкорликдаги лойиҳа бошланди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистон Бизнес-Форуми» лойиҳаси ва Глобал экология жамғармасининг Кичик грантлар дастури кўмагида амалга ошириляпти.

Мамлакатимизда ишлаётган иссиқхоналарнинг кўпчилиги табиий газ, баъзида кўмир ва ўтин ҳисобига иситилади. Ушбу ёқилғи турларига бўлган нархларнинг жаҳон бўйича ошаётганини, табиатга ва одамларнинг саломатлигига етказилаётган зарарни инобатга олган ҳолда янги, энергияни тежовчи конструкцияларни кенг тарғиб қилиш зарурати туғилди.

Улардан бири — пассив қуёш иссиқхонасидир. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, у қуёш энергиясини фотосинтез жараёни учун етарли бўлган ҳажмда олади. Тунда тоға ёпиладиган иссиқликни чиқармайдиган кўчма «кўрпа» ҳисобига кундузи тўпланган иссиқлик сақланиб туради.

Иссиқхонадаги микроклимат сабзавотларни етиштириш учун зарур бўлган шартларга мос келади. Масалан, бундай иссиқхонанинг еттига худудда шундай иссиқхоналарни барпо этиш бўйича ишлар бошланган. Қурилиш тугагандан кейин тупроқ ва зарур экин материаллари тайёрланади. Лойиҳада қурувчилар ва энергия самардорлиги бўйича мутахассислардан ташқари, агрономлар ҳам қатнашади. Улар иштирокчиларга янги шароитларда ўсимликларни етиштириш бўйича тавсияларни беради.

Муҳокамада фармацевтика саноати

Бугунги кунда фармацевтика бозори савдосида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган дори воситаларнинг улуши ошиб бормоқда. Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, «Ўзфармасаноат» ДАЖ ва БМТ Тараққиёт Дастури «Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда фармацевтика саноати ривожланишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари» мавзусида давра суҳбатиде шу хусусда сўз борди.



Тадбирда 80 дан ошқ ва-зирлик ва идоралар, солиқ ва божхона қўмиталари, илмий-тадқиқот институтлари ва фармацевтика компания вакиллари иштирок этиб, Ўзбекистонда дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар, экспортни ривожлантириш ва фармацевтика корхоналарида сифатни бoшқариш тизимини юритиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йиллари давомида дори воситаларини ишлаб чиқарадиган кор-

хоналар сони 3 тадан 129 тага етди, ишлаб чиқарилаётган дори воситалари турлари эса 10 маротаба ошди. 2011 йилда фармацевтика саноати ўсиши суръатлари да дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар, экспортни ривожлантириш ва фармацевтика корхоналарида сифатни бoшқариш тизимини юритиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Бошланғич ташкилот — партия негизи

уни ҳимоя этиш учун аввало жойлардаги қуйи бўғинлар фаолиятини янада жонлантириш зарур, деб таъкидланди

Сурхондарё вилояти партия Кенгашида ташкил этилган давра суҳбатиде

Электротат манфаати

Сурхондарё вилояти партия Кенгаши фаолияти кейинги йилларда анча жонланди. Партия сафлари кенгайиб, унинг молиявий имкониятлари яшилди, аъзоларнинг сиёсий билими ва фаоллиги ошди. Вилоят Кенгаши қошидаги «Ёш адолатчилар» ҳамда «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ёшлар ва аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш борисиде кўплаб тадбирлар ўтказилди. Бундай ютуқларда, албатта, қуйи бўғинлар фаоллиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Эришилган қатор муваффақиятларга қарамасдан ҳозирги кунда туман ва шаҳар ташкилотларимиз таркибидеги БПТлар сонини у даражада кўп, деб бўлмайди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси Сулув Ҳамидова. — Қолаверса, БПТлар ва худудий партия ташкилотлари алоқаларини мустаҳкамлаш вазифаси устувор масалалардан.

талеби, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Исроил Курбанов. — Шу туфайли вилоят Кенгаши ҳузуриде комиссия тузилиб, БПТлар ишини ўрганиш ва қайта кўриб чиқиш, шаҳар ва туман партия ташкилотлари ҳисобиде турган партия аъзоларининг рўйхатини кўриб чиқиш, уларни янгилаш фойдидан ҳоли бўлмайди. Фаоллар учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида жойларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва сиёсий ўқувлар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз шаҳар кенгаши вилоят партия Кенгашининг энг етакчи партия ташкилотларидан саналади. Ташкилий-партиявий ишларни талаб даражасида ташкил этишда Термиз шаҳрида етарли



тажриба тўпланган. Ҳозирги пайтда шаҳарда партия аъзолари 600 нафардан ошди, бошланғич ташкилотлар сони эса 30 тани ташкил этмоқда. Қуйи бўғинлар томонидан кўтарилаётган ҳар бир ташаббусда

электротат нуқтаи назари ҳисобга олинмоқда. Давра суҳбатиде шаҳар партия ташкилотининг «Гулистон» маҳалласидаги бошланғич ташкилоти фаоллари томонидан амалга оширилаётган ишлар ибрат

намунаси сифатида эътироф этилди.

Мазкур қуйи бўғин фаолларининг халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Бекмурод Ашуров билан ўрнатилган мустаҳкам алоқаси амалий тадбирларда кўл келмоқда. Фаоллар ташаббуси ва депутатнинг савий-харақатлари, тегишли ташкилотларга йўллаган сўровлари эвазига «Гулистон» маҳалласида маҳалла гузарни барпо этилгани, бу ерда озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, компьютер клуби ва бошқа қулайликлар яратилгани, бунинг ортидан ўнга яқин янги иш ўринлари яратилгани аҳоли орасида партия обрўсининг ошишига ва унинг дастурий гоъларига тарғиботи самардорлигига хизмат қилмоқда.

Бу сингари фаол қуйи партия ташкилотларини яна кўплаб санаш мумкин. Масалан, вилоят болалар шифохо-

наси ҳамда Сарисий туманидаги «Фарҳод муруват уйи»да тузилган БПТлар энг фаолларидан ҳисобланади. Уларда мунтазам равишда турли маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этиб келинади. Бошланғич партия ташкилоти томонидан кўплаб спорт мусобақалари, жойларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, партиянинг фаол аъзолари рағбатлантириб келинмоқда.

Бугунги кунда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш вилоят партия Кенгаши олдида турган устувор вазифалардан ҳисобланади. Мазкур давра суҳбатини эса бу борда олиб борилаётган ишларнинг узвий давоми дейиш мумкин.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Бош қонунимизнинг ҳаётбахш қоида ва принциплари миллий тараққиётга хизмат қилмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Турли ички ва ташқи ҳуружларга, ошқора ва пинҳона фитналарга қарамасдан, танлаган йўлимиздан оғишмай, олға томон боришда давом этдик. Истиқлол манфаатларини асраш ва мустақамлаш жамият аъзоларининг муқаддас бурчига айланди.

Ҳаёт деганлари ҳеч қачон бир нуқтада туриб қолмайди. Дунёда, турли минтақаларда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, глобал муаммолар, одамлар турмуш тарзи ва дунёқарашдаги ўзгаришлар, ортимиздан келаётган янги авлоднинг янада юксак орзу-умидлари турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакат ҳаётини модернизация қилиш ва такомиллаштириш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни асло сусайтирмасликни тақозо этади.

Конституция жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, диний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг жамият олдидagi бурч ва масъулиятини ҳам ўзида ифода этади.

Конституцияда инсонни улуглаш, унинг манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, эмин-эркин, тинч-тотув ҳаёти, фаровон турмуш тарзи учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш беришдек вазифалар ўз аксини топгани, айниқса, муҳимдир. Айни чоғда, бу муҳим ҳужжат янгидан бунёд этилаётган эркин, очиқ жамиятимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлида улуглашни кўрсатиб бериди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам Конституция тақдим этган имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Президентимиз Концепциянинг бешинчи йўналишида «Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш лозим» деб билдирган тақлифига кўра, фракция томонидан бир қатор амалий ишлар бажарилди.

Масалан, ўтган йиллар мобайнида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган «Инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланиши: таъриба ва истиқболлар» мавзусидаги илмий-амалий конференция, Юристар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда ўтказилган «Адвокатура тизимининг такомиллашуви — суд-ҳуқуқ ислохотларининг таркибий қисми сифатида»

мавзусидаги давра суҳбати, Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда уюштирилган «Юксак ҳуқуқий маданият — демократик ислохотлар муваффақияти гарови», «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» каби мавзулардаги давра суҳбатлари шулар жумласидандир. Фракция уларни ўтказишда «Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва тегишли хулосаларни қонун ҳужжатларида акс эттиришни мақсад қилиб кўйган.

Бош Қомусимиз «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг барча қоидаларини ва нормаларига тўла мос келиши билан ҳам жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. Чунки унда инсон манфаатлари, одамларнинг тинч-тотув, роҳат-фароғатда яшаш ҳуқуқи асосий мақсад сифатида кўрилади.

Ҳуқуқларнинг бу ҳақиқатларини асосий мақсад сифатида кўрилади, мамлакат ҳаётининг юксак эътибор ва эътирофига сазовор бўлди. Халқимиз ўтган йиллар давомида қандай ютуқларга эришган бўлса, одамларнинг дунёқарашини, онг-шунга ва турмуш тарзида қандай ўзгаришлар юз берган бўлса, буларнинг ҳаммаси, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги бугунги обрў-эътибори, дунё давлатчилиги тараққиётига қўшаётган ҳиссаси миллий тараққиёт дастурига асос бўлган «Ўзбек модели»нинг муваффақияти, шубҳасиз, Конституция тўғрисида, унда белгилаб қўйилган қонуний ва ҳуқуқий асосларга оғишмай амал қилаётганимиз натижасидир. Жаҳон мамлакатларида, мана, неча йилдирки, молиявий-иқтисодий танглик ҳукми суриб, иқтисодий катта зарар кўраётган, ривожланган давлатларда ҳам ялпи ички маҳсулот ҳажми камаётган, ишлаб чиқариш суръатлари сезиларли даражада пасаяётган, буларнинг оқибатида ишчи ўринлари қисқариб, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги мажбуриятлар тўла бажарилмаётган бир пайтда, мамлакатимизда аҳолининг фаровонлиги йилдан-йилга ошаётгани, харид қувватининг мустақамланаётгани, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати тобора кенг қулоқ ёзиб, янги ишчи ўринлари пайдо бўлаётгани — буларнинг ҳаммаси Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган.



ни, узоқ келажакни кўзлаб, ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйланган принцип ва нормаларнинг амалиётга изчиллик билан жорий этилиши самарасидир.

Дунёда мустақилликни қўлга киритган, аммо жамият ҳаётида ҳамжиҳатликка эришмай, тараққиёт йўлини тўғри белгилай олмасдан бу буюқ имкониятни қўлдан бой берган мамлакатлар кўп бўлган. Шу боисдан ҳам истиқлолимизнинг дастлабки йилларида янги бошқарув тизимини ҳар жиҳатдан мустақамлаш, одамлар, айниқса, ёшлар онгига миллий истиқлол мафқураси ғояларини синдириш вазифаси турар эди. Бунга эришиш учун «Ўзбек модели»нинг муваффақияти, шубҳасиз, Конституция тўғрисида, унда белгилаб қўйилган қонуний ва ҳуқуқий асосларга оғишмай амал қилаётганимиз натижасидир. Жаҳон мамлакатларида, мана, неча йилдирки, молиявий-иқтисодий танглик ҳукми суриб, иқтисодий катта зарар кўраётган, ривожланган давлатларда ҳам ялпи ички маҳсулот ҳажми камаётган, ишлаб чиқариш суръатлари сезиларли даражада пасаяётган, буларнинг оқибатида ишчи ўринлари қисқариб, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги мажбуриятлар тўла бажарилмаётган бир пайтда, мамлакатимизда аҳолининг фаровонлиги йилдан-йилга ошаётгани, харид қувватининг мустақамланаётгани, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати тобора кенг қулоқ ёзиб, янги ишчи ўринлари пайдо бўлаётгани — буларнинг ҳаммаси Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда яшаб, умргузаронлик қилаётган турли миллий ва этник қабилаларнинг маданий-маърифий марказлари ташкил этилди, уларнинг фарзандлари учун она тилларини, миллий урф-одатларини сақлаш, миллий адабиёт ва санъат намуналаридан баҳраманд бўлиш имконияти яратилди. Давлатимиз раҳбарининг «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деган шиори кўп миллилатли халқимизнинг ҳар бири учун муқаддас туйғу, эзгу ният бўлиб қолди. Бу шиор уларнинг бугунги турмуш тарзи ва дунёқарашига, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида юз бераётган вояларга муносабатини, жамиятининг янада тараққиётини шу учун шахсий масъуллигини эсга олишда яққол кўзга ташланади.

Асосий Қонунимизнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда жамият ҳаётининг муҳим бўғинлари ҳисобланмиш оила ва маҳалла институтларига, оналик ва болаликни давлат муҳофазасига олишга, янги баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Шунга кўра, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг бир қанча Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва ҳужжатлари қабул қилинди.

Мустақиллик шарофати билан янги ёш авлод вакиллари ўқишда, илм чўққиларини эгаллашда қўлга киритаётган ютуқлар бугун нафақат халқимизнинг дастлабки қулни, дунё ҳамжамиятига ҳам яхши маълум. Йигит-қизларимизнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги фаоллиги ҳам тобора кенг бўлиб бораётгани, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир давлатимиз раҳбари тақлиф этган Концепцияга биноан унга киритилган ўзгаришлар, шубҳасиз, халқимизнинг, ҳар биримизнинг мустақиллик йилларидаги энг муҳим ютуғимиз ҳисобланади. Галдаги вазифа — қонун устуворлиги ва қонунийликни янада мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, илмий-маърифий ҳаётимиздаги ислохотларни изчиллик билан давом эттиришдан иборат. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибиди ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг фаоллашуви муҳим аҳамият касб этади.

Истиқлол ва Конституция ёш авлодга жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, мамлакат миқёсидаги энг мураккаб вазифаларнинг ҳал этишининг олдинги марраларида бўлиш имконини бериди. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёндаги фаоллиги ва ташкилотчилиги кейинги йилларда янада кўлга киритилган энг муҳим ютуқлардан бири десак, муболаға бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай фаоллик боис, партиямиз аъзолари сафида ёшларнинг сони тобора ўсиб бормоқда. Жамият ҳаётида ижтимоий адолатни қарор топтиришдек улғун мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатимизда истиқлол йилларида туғилиб ўсган, вояга етган, дунёқарашини шаклланган, бугунги замонавий билим ва кўникмаларни чуқур эгаллаган йигит-қизларнинг бизга ҳамроҳ ва ҳамфир бўлаётгани кўнгилда мамнурилиқ туйғуларини уйғотади. Улар билан биргаликда ишлаш, овоз ва обод Ватан мустақиллигини мустақамлаш, иқтисодини янада кучайтириш, моддий ва маънавий қадриятларини асраб-авайлаш, ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз ҳисобланади.

Янги авлод тарбияси, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш давлат аҳамиятига молик ҳуқуқ вазифага айланди. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тамойиллардан бири — жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш бўлиб, бу вазифа шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш билан бевосита боғлиқ эди. Шу боисдан ҳам, ислохотларнинг бу йўналишига алоҳида аҳамият берилди. Бунинг учун, аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби, қатагон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қилаётган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга ошириш талаб этиларди.

Қисқа вақт ичида мамлакатимизда дунё ҳамжамияти эътиборига сазовор бўлган муҳим ўзгаришлар юз берди. Чунки, ўлим жазоси бекор қилинди, фуқароларнинг суд орқали ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари кучайди, кассация инстанцияси ислохот қилиниши билан эндиликда апелляция инстанцияси томонлардан бири ҳукмдан норози бўлганида, ишчи янгидан кўриб чиқишга юборилмади, унинг ўзи тўла ҳажмида кўриб-чиқиш имкониятига эга бўлди. «Жинорий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва унга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгаририлгани, хусусан, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ва унга оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилгани, иқтисодий соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайгани, жинорий жазо тизимидан инсонпарварлик ва адолат тамойилларига мутлақо зид бўлган, собиқ тузумдан қолган

усул — мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташлангани, эндиликда етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганида, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо қўлланилмаслиги — буларнинг ҳаммаси суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилган ислохотларнинг инсонпарварлик, гуманистик характерида далолат бериб, халқимизга хос кечиримлилик, адолатпарварлик фазилатларига мос тушади.

Фракциямиз аъзолари «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда тайёрланаётган ва қабул қилинаётган қонунларда ҳам ўз тақлиф ва тавсиялари билан фаол иштирок этиб келмоқда бўлиб, айниқса, Концепция асосида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобатнинг янада кучайишига туртки берди. Чунки 98-моддага киритилган қоидага асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия эки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилиши белгиланди.

Адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдига тенглиги фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини айри-айри ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгилаган Ўзбекистон «Адолат» СДП бундан бундан ҳам Асосий Қонунимиз доирасида сайловчилар ва электоратимиз манфаатларига мос қонунларни қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этаверади.

Ўтаётган ҳар йил жамият ҳаётида, ҳар биримизнинг шахсий турмушимизда, онг-шунимиздаги ёрқин из қолдиришда, янги ҳаёт, тарих саҳифасидаги олаётган бу йиллар Конституциямизда белгилаб қўйилган, халқимизнинг орзу-умидларига мос қонун ва принципларнинг нақадар тўғри ва ҳаётбахш эканини ҳам исботламоқда.

Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари

Конституция — эркинлик ва тараққиёт гарови

Миллий истиқлол мафқурасининг бош ғояси овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий орзу-умидлари, эзгу интилишлари ҳамда бугунги бунёдкорлик фаолиятининг маъно-маънунини белгилайди, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади.

Бу мафқура қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлик, турли миллат вакиллари ҳурмат ва улар билан аҳил-иноқ яшаш, диний бағрикенглик, замонавий билимларни кўп билан эгаллаш, дунё мамлакатларининг илгор тажрибаларини ўрганиш каби умумбашарий қадриятларга асосланади. «Хар бир фуқаронинг фаровонлиги бутун жамиятнинг фаровонлигидир», деган ғояни илгари суради. Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий рамзи, халқимиз хоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлиши Конституцияда шу умумбашарий қадриятлар ўзининг мукамал ифодасини топган.

Бош Қомусимиз эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ

ва эркинликларини, ўз истеъдодини тўла намойён этиш ва меҳнати натижаларидан баҳраманд бўлиш олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятининг қарор топишида мустақам кафолат бўлди, миллий истиқлол шарофати билан ўз олдимишга қўйган улғувор вазифаларни амалга ошириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш ва қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Йигирма йил — тарихан қисқа муддат. Бу йилларда асосий эътибор мустақилликни мустақамлаш, уни ички ва ташқи ҳуружлардан асраш, собиқ тузумнинг одамлар онгига сақланиб



Тошпўлат МАТИБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

қолган сохта қадриятларидан қутулиш, мураккаб ва оғир вазиятда мамлакатда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш, янги қонунчилик тизимини юзага келтириш, жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг барқарор бўлишини таъминлашга қаратилди. Биз бугун кейинги йилларда бир йиллик ҳаётимизни кўз ўнгимизга келтирар эканмиз, эришган ютуқларимизни сарҳи-

соби қилиб, жаҳон давлатлари сафидида бугунги обрў-эътиборимиз билан ҳақли равишда фخرланамиз, дунё давлатчилиги тараққиётига қўшаётган ҳиссамиздан, Ўзбекистон таърибаси бугун ҳаётимизнинг қўллаб-қувватларини, давлат ва жамоат арбобларини, молиячи, иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимларини қизқтираётганидан, улар мамлакатимизга таъриба ўрганиш учун ҳам келишаётганидан қалбимиз фخر-ифтихорга тўлади. Буларнинг ҳаммасига Асосий Қонунимизда белгилаб берилган тамойилларга оғишмай амал қилганимиз, ҳамфир ва ҳамжиҳатликда яшаётганимиз, фақат бугунги кунни эмас, яқин ва олис келажакни, биздан кейин келадиган авлодларнинг бахтли ҳаётини ҳам ўйлаб иш тутаётганимиз тўғрисида эришдик, деб айта оламиз. Бунинг, дунёнинг ривожланган йиллик мамлакатлари жаҳон миқёсида кечаётган иқтисодий-молиявий инқирознинг ноҳус оқибатларига дучор бўлиб турган бир пайтда, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари тўла амалга оширилаётгани фикримизга далил бўла олади.

Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган бош тамойиллар, мақсад ва вазифалар ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда тўлиқ аксини топётгани, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир давлатимиз раҳбари тақлиф этган Концепцияга биноан унга киритилган ўзгаришлар, шубҳасиз, халқимизнинг, ҳар биримизнинг мустақиллик йилларидаги энг муҳим ютуғимиз ҳисобланади. Галдаги вазифа — қонун устуворлиги ва қонунийликни янада мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, илмий-маърифий ҳаётимиздаги ислохотларни изчиллик билан давом эттиришдан иборат. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибиди ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг фаоллашуви муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир давлатимиз раҳбари тақлиф этган Концепцияга биноан унга киритилган ўзгаришлар, шубҳасиз, халқимизнинг, ҳар биримизнинг мустақиллик йилларидаги энг муҳим ютуғимиз ҳисобланади. Галдаги вазифа — қонун устуворлиги ва қонунийликни янада мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, илмий-маърифий ҳаётимиздаги ислохотларни изчиллик билан давом эттиришдан иборат. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибиди ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг фаоллашуви муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир давлатимиз раҳбари тақлиф этган Концепцияга биноан унга киритилган ўзгаришлар, шубҳасиз, халқимизнинг, ҳар биримизнинг мустақиллик йилларидаги энг муҳим ютуғимиз ҳисобланади. Галдаги вазифа — қонун устуворлиги ва қонунийликни янада мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, илмий-маърифий ҳаётимиздаги ислохотларни изчиллик билан давом эттиришдан иборат. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибиди ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг фаоллашуви муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир давлатимиз раҳбари тақлиф этган Концепцияга биноан унга киритилган ўзгаришлар, шубҳасиз, халқимизнинг, ҳар биримизнинг мустақиллик йилларидаги энг муҳим ютуғимиз ҳисобланади. Галдаги вазифа — қонун устуворлиги ва қонунийликни янада мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, илмий-маърифий ҳаётимиздаги ислохотларни изчиллик билан давом эттиришдан иборат. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибиди ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг фаоллашуви муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ўтган давр ичида тарихий аҳами-

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий ифодаси

Давомий. Боши 1-бетда

Раъно ГАИМОВА, фракция аъзоси:

— Мамлакатимиз истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Мустақилликнинг ўтган 21 йилида эришилган ютуқ ва тажрибалар эндиликда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий негизларини ислоҳ этишга, фуқароларнинг турмуш тарзини, ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳаётнинг сиёсий жиҳатдан такомиллашуви, демократик ислохотлар ҳамда модернизация жараёнлари жамиятда сиёсий, ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига, унинг ижтимоий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.



Тавқидлаш жоиз, жамиятимиз ҳаётида сиёсий, ҳуқуқий маданият тушунчасининг ахамияти кун сайин ортиб бормоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги шаклланиб, янги сиёсий меъёрлар ҳамда янги қонунларнинг қабул қилиниши учун қулай имкон яратилмоқда.

Зеро, жамият сиёсий маданиятини юксак кўрсаткичи — кишиларнинг давлат олиб бораётган ички ҳамда ташқи сиёсатни, унинг асосий йўналишлари, мазмунини ва амалга ошириш усул ҳамда услубларини тўлиқ тушуниши ва тушунтира билишидир. Демак, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқаролар сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқлиги ўз исботини топмоқда.

Эътироф этиш керак, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш борасидаги ўрни ошиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби жамоат билан шарафли маҳомини конституциявий даражага кўтарди. Асосий Қонуннинг 60-моддасида «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдиган ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар» дейилган.

Бу — сиёсий партияларга тегишли қонунчилик — уларнинг жамият ҳаётидаги роли ошиб бориши ва давр талаби билан ҳамроҳ тарзда ривожланиб бораётганини дегандир. Айниқса, «Давлат бошқаруви»нинг янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади. Бунда сиёсий партияларнинг фуқаролар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг сайлов жараёнларида хоҳиш-иродасини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши лозимлиги алоҳида аҳамият қаратилди. Мазкур вазифани ҳал этиш мақсадида даставвал парламентдаги кўпчиликнинг ва муҳолифатнинг маҳомини қонуний тарзда белгилаш, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилади. Шунингдек, Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқлашишда қатъий белгиланган тартиб ва механизмнинг жорий этилган — давлат қурилиши соҳасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли дастурий маърузасида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни аниқ белгилаб берди. Унда белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Қонун қабул қилинди. 98-моддага киритилган қонунда асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилади.

Бу нормага асосан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатишнинг янада демократик тартиби жорий этилмоқда. Ушбу моддада Бош вазирга нисбатан ишонсизлик воти ми билдириш ҳуқуқи ҳам жорий этилди. Мазкур янгилик ривожланган демократик давлатлар тажрибасига тўла мос келади. Конституциянинг 78-моддаси 15-бандига киритилган Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари сифатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳомада қилиш ваколати назарда тутилган. Бу норма ҳукумат раҳбарининг парламент орқали халқ олдида ҳисоб бериш институти бўлиб хизмат қилиш баробарида, парламентнинг назорат фаолиятини янада такомиллаштиришга, ҳукумат фаолиятининг бошқарувда ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик принциплари шаффофлигини таъминлайди. Ваҳоланки, партиямиз дастурида ҳам бошқарувда ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлиги гоёси илгари сурилади.

Сайёд АДИЗОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳуқуқшуноси:

— Амалга оширилаётган ушбу ижтимоий-сиёсий ислохотлар мазмун-моҳияти инсон манфаатлари ва унинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бўлиб, давлатимиз раҳбари Концепцияда таъкидлаганидек: «...Бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиниши, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди.»

Бу нормалар мамлакат сиёсий майдонида фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини янада орттириб, давлат бошқаруви соҳасида сиёсий партиялар роли ва таъсирини оширади, Парламентнинг ҳукумат фаолияти устидан назорат функциясини янада кучайтиради. Шунингдек, Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат масъулиятини ошириш баробарида, мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиздаги тўртта сиёсий партия ичидан инсон ҳуқуқлари ва маданияти, эркинлиги масалалари ва уларнинг ечимни борасида ўзининг аниқ позициясини билдирган сиёсий партия Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидир. Партия адолатчилик ва қонун устуворлиги гояларини илгари суриш билан бирга, ўз сайловли платформасида қуйидаги вазифаларни ҳам белгилаб олган:

— мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича кенг қўламли ишларни оммавий ахборот воситаларида изчил тарғиб қилишни ташкил этиш;

— халқро ташкилотлар, энг аввало, БМТ тизимидаги муассасаларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бағишланган халқро тадбирларида Ўзбекистон вакилларининг фаол иштироки бўйича яқин ҳамкорликни таъминлаш;

— журналист кадрларни тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ўқув режаларига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг иштирокига оид мамлакатимиз ҳамда халқро тажрибани ўрганишни кўзда тутувчи махсус ўқув дастурларини киритиш.

Партия инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ўзининг ижтимоий ҳамкорлари билан ҳамкорлигини янада кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бу фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини рўйб-га чиқариш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳомийлик ва хайр-саховатни кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради. Бу борада партия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Экологик ҳаракат, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар палатаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ҳам партиямиз дастурий вазифаларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, уни муваффақиятли амал-

га ошириш, шубҳасиз, партиямиз сиёсий майдонда янада фаолроқ иштирок этишига хизмат қилади.

Нурмат ЭШМЕТОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Ҳоразм вилоят Кенгаши раиси:

— Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривожини, фуқароларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган асосий қонундир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гояларига содиқлигини ифода этиб, миллий давлатчилигимиз ривожини, демократия ва ижтимоий адолат, халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустаҳкам йўлини белгилаб берди.



Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий йўли аниқ ифода қилинган бу қонуннинг ҳужжатда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини Конституцияимизда муҳрлаб қўйилганлиги мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг бош омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз Конституцияни «халқчил қонун» деб атаган эди. Дарҳақиқат, суверен республикамиз Конституцияси — инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг демократик тартибга бўлиб, у ҳуқуқий ва инсонпарвар давлатни шакллантиришнинг стратегик дастури вазифасини ўтаб келмоқда. Конституция — давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий заминини, халқро хоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида майдонга чиқди. У энг тараққий топан, ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибаларига таяниш билан бирга, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжат эканини намояндалар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби вазифаларга масъул ва кафолат бўлиб ҳисобланади. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаб айтганидек: «Бизнинг Конституцияимиз умуминсоний — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатларро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улғу гояларга хизмат қилади».

Бу эса айнан халқимиз асрлар оша ардоқлаб келаятган энг эзуқ фазилатлар — тинчлик-товуқлик, ўзаро ҳамкорлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, жамоанинг фикрига бўйсунуш, оила муқаддаслиги ва бошқа қўлаб қадриятларнинг Бош Қомусимизда акс эттирилган ҳуқуқий ифодаси эканининг яна бир исботидир. Шу билан бирга, асосий шиори Эркинлик, Адолатчилик, Бирдамлик бўлган социал-демократларнинг энг муҳим қадриятлари билан ҳамроҳанг, десак янглимаймиз.

Бугунги кунда Конституцияимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг, шунингдек, Ўзбекистон ўзининг ишончли ва истиқболли шериғи деб билаётган жаҳондаги қўлаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнларининг мустаҳкам ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуҳрат ЁҚУБОВ, Жиззах шаҳар Статистика бўлимидаги БПТ фаоли:

— Мустақил давлатчиликнинг суверен белгиси ҳисобланган Конституция аввало, миллатнинг юзи, халқнинг эрки-иродаси, жамият тараққиётининг асосидир. Халқимиз Конституцияимизни қабул қилиниши орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларига содиқ эканлигини намоян қилди.

Миллий қадриятларимизни ўзига сингирган Конституцияимиз асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болаларини ва ота-оналар васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни ўз зиммасига олганлигини алоҳида эътироф қилиш лозим. Ўз фарзандларини воёга

Конституция — давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий замини, халқро хоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида майдонга чиқди. У энг тараққий топан, ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибаларига таяниш билан бирга, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжат эканини намояндалар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби вазифаларга масъул ва кафолат бўлиб ҳисобланади.

етказиш ота-онанинг олдидан бурч, воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар эса ота-оналарига ҳақида ғамхўрлик қилишга бурчли эканлиги айтилган қоидалар халқимизнинг азалии урф-одатлари, анъаналари оиланинг муқаддаслигига таянишни кўрсатади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла институтининг Конституцияда мустаҳкамланиши халқимизнинг янада жипслашуви, кишиларнинг қўндалик ҳаётини йўлга қўйишда муҳим восита эканлигида намоян бўлади. Азал-азалдан маҳаллалар кўркам ва чиroyли, шу билан бирга, тинчлик ва осийшталлик, фуқаролар ўртасида ўзаро меҳроқибат, аҳилик таъминланган маскан бўлиб ҳисобланади.

Агар мустақилликдан то ҳозирги кунгача қадар амалга оширилган ислохотлар натижаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, барча эришилган ютуқларимиз замирида бевосита Конституцияимиз турганлиги кўрамиз.

Конституцияимизнинг «Жамиятимизнинг иқтисодий негизлари» деб номланувчи ўн иккинчи бобидagi тегишли нормаларнинг амалдаги татбиғини кучайтириш мақсадида, давлатимиз томонидан хусусий тармоқни жадал ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни шакллантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу бўйича қўлаб қонунлар қабул қилинмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Конституцияда белгилаб қўйилган олий мақсадимиз, яъни демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида, давлат ва жамият қурилиши соҳасида босқич-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги ўрни доимо беқийс бўлиб қолаверади. Шу сабабли Асосий Қонунимизнинг ҳар бир боби, ҳар бир моддасининг мазмун-моҳиятини, унда илгари сурилган илғор гояларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш каби вазифалар ҳам партиямизнинг қўли бўғинлар зиммасидаги масъулиятни оширади.

Бибисора ЖУМАНАЗАРОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси депутати:

— Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширилишида, уларнинг ташаббускорлигини ошириш ва сиёсий ҳаётда эркин ҳамда кенг иштирок этишларини таъминлашда фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи фуқаро билан давлатни бевосита боғлаб турувчи кўприк бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида: «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқарилган билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт» деб таъкидланган.

Конституцияимизнинг 44-моддасида эса: «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» деб қайд этилган.

Республикамизда фуқароларнинг мурожаатлари «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳара-

катлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунлар орқали ҳимоя қилинади.

Маҳаллий вакиллик ҳокимиятида депутат вакиллик функциясини бажариши баробарида сиёсий партия ва сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс ҳамдир. Улар сайловчилар ва партия электоратига яқин бўлган боис, унга шахсий ва худудий аҳамиятга эга бўлган муаммолар билан кўп мурожаат қилишади.

Депутатга жамоатчилик ва вакиллик назоратини амалга оширишдаги энг таъсирчан воситалардан бири бўлган депутат сўровини амалга ошириш ҳуқуқи ҳам берилган. Мамлакатимиз қонунчилигида депутат сўрови институтининг ҳуқуқий асослари етарлича шакллантирилган бўлиб, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонунга асосан депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериши ёки ўз нуктаи назарини баён қилиш талаби билан сўров юборишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ маҳаллий вакиллик ҳокимиятидаги партия депутатлари тегишли равишда ҳокимларга, ҳоким ўринбосарлари, ҳокимлик бўлимлари ва бошқармаларнинг раҳбарларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудда жойлашган қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Демак, юқорида тилга олинган қонунларда белгилаб қўйилган ваколатлардан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ёки туман Кенгаши депутати шу кенгаши ҳисобдор бўлиши ҳоким иш фаолиятини, кенгаши ҳудуддаги қонунчилик, экология, маориф, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, коммунал соҳа, бюджет ижросига алоқадор масалаларни сўровлар орқали назорат қилиши мумкин. Ушбу сўров орқали депутат ёки партия гуруҳи сайловчилар ва партия электоратини ташвишлантираётган ў ёки бу муаммони кўтариб, унга ойдинлик киритиш, ахборот бериш, ечимини топиш мақсадида мансабдор шахсларга қонуний талаблар қўйишга ҳақлидир.

Конституциявий қонун билан кўппартиявийлик ва партиявий рақобат шариоатида ҳокимлар устидан назорат қилиш вазифининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидаги партия гуруҳларига юкланиши эса амалиётда ҳокимнинг сиёсий партиялар ва депутатлар олдидagi масъулиятини янада ошириди. Эндиликда партия гуруҳи ҳоким томонидан қонун ва ҳукумат қарорларининг баҳарлигини, вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги аҳволи юзасидан сўров билан мурожаат қилиб сўров натижасини, яъни ҳоким жавобини кенгаши сессиясида тинглаб, унинг фаолиятига баҳо бериши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини, ўз сиёсий-ижтимоий фаолликларини амалга оширишларини кафолатлайди. Айни пайтда ҳар бир фуқаро ўзининг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини билиши лозим. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимлари қанчалик юқори бўлса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этсалар давлатимизнинг дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидаги ўрни шунчалик тез мустаҳкамланади.

Конституцияимизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди.

“Фаол аёл — партия таянчи ва мададкори”

сиёсий ўқув ва кўриктанлов якунлари буни яна бир бор исботлади

Давом. Боши 1-бетда



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон “Адолат” СДП “Аёллар қаноти”нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари, партиянинг шаҳар, туман кенгашлари фаоллари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров жамиятни модернизациялаш ва демократлаштиришнинг янги босқичида турган вазифаларни амалга оширишда партиянинг “Аёллар қаноти” олдидан турган муҳим вазифаларга эътибор қаратди. Бу борада партиянинг сафидаги хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини, ижтимоий фаоллигини ошириш лозимлигини таъкидлади.

— Бугунги кунда партиянинг аъзоларининг 48,9 фоизини хотин-қизлар ташкил этади, — деди Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси, депутат З.Ботирова. — Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги мавжуд партия фракциялари ичида энг кичиги бўлишига қарамастан, бугунги кунда Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси таркибида аёл депутатлар сони энг кўпчилини ташкил қилади. Қолаверса, партиянинг ҳудудий Кенгаши раислари сафида фаоллик юриётган аёллар сони ҳам йил сайин ўсиб бормоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг мустақам оила йили деб эълон қилиниши мустақиллик йилларида она ва болага, хотин-қизлар, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига, оилалар барқарорлигини таъминлашга қаратилган ишлар ҳамда эзгу савий-ҳаракатларнинг мантикий давоми бўлиб, бунда фарзандларнинг билимли, юқори интеллектуал салоҳият эгалари бўлиб вояга етишида аёлнинг, ҳам оиласи, ҳам жамият учун қайғурадиган, замонавий аёл, онанинг роли беқиёс эканлиги янада кўпроқ аҳамият қаратилаётганлигининг, ушбу масалага янада кучлироқ урғу берилаётганлигининг амалий ифодасидир.

Фаол аёл, жонқуяр она, давганда, кўз ўнгимизда энг аввало, муайян касб-хунарга, ўзининг мустақил ва қатъий ҳаётий позициясига, кенг дунёқарашга, мустақам иймон-этиқодга эга бўлган, жамиятга кечайтган воқеа-ҳодисалардан хабардор ва уларга дахлдорлик сезадиған, ўз оиласида тегишли маънавий муҳит, соғлом турмуш тарзини яратадиган аёл сиймоси гавдаланади. Ана шундай аёллар кўпчилини ташкил қиладиган жамиятда ҳаммаша

осойишталик, барқарор ривожланиш, юксак маънавий ҳукм суриши муқаррардир. Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан сўзга чиққанлар ҳудудий партия ташкилотларининг “Аёллар қаноти” Кенгашлари фаолиятида эришилаётган ютуқлар ва мавжуд муаммоларни атрофича таҳлил этиб, ўзаро тажриба алмашишди.

Шу кунги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси “Мустақам оила йили” Давлат дастури доирасида партиянинг аъзолари билан аёллар ўртасида ташкил этилган “Оқила аёл — мустақам оила yaratuvchisi” кўрик-танловининг якуний, республика босқичи ҳам бўлиб ўтди.

Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Ўзбекистон “Адолат” СДП аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўлими мудири:



— Жамиятда қандай мавқега эга бўлишдан қатъий назар, энг асосий вазифалардан бири келажакимиз ворисларини вояга етказиш ҳамда уларни оқилона тарбиялашдек муқаддас, бош тарбиячилик вазифасини ўтайдиган замонавий аёллари бугунги кунда ҳамма ишга улгурадиган, ил-

фор, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан етуқ, яъни — лидер бўлиши керак. Шу боис партиянинг “Аёллар қаноти” Кенгаши ўтказилаётган тадбирларида оилада соғлом турмуш тарзи ва маданиятини шакллантириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларнинг, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини, давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш, сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада оширишга устувор эътибор қаратаёпти.

Аёлларни партиявий-сиёсий фаолиятга жалб этиш жараёнида 2010 йилда “Аёллар қаноти”нинг II Республика конференциясида белгиланган вазифалар партия сафларидаги аёллар фаолиятини янги босқичга кўтарди. Бу давр ичида жойларда партиянинг фаол аёллари таркиби кўпайди.


2012 йил Мустақам оила йили деб эълон қилиниши билан “Аёллар қаноти” томонидан алоҳида дастур тайёрланди. Партиянинг жойлардаги ҳудудий ва қўйи ташкилотлари билан ҳамкорликда “Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш — комил инсонни вояга етказишнинг муҳим омил”, “Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш — оилалар мустақамлиги гарови”, “Қишлоқ шароитида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва улар учун янги иш ўринларини яратиш — оилалар моддий таъминотининг муҳим омил”, “Юксак маънавий муҳит — соғлом ва мустақам оила гарови”, “Аёл ва сиёсат”, “Ёшлар интеллектуал салоҳиятини

қўйиришда оиладаги бош тарбиячи — онанинг тутган ўрни каби йигирмадан ортиқ йўналишда услубий-методик сиёсий ўқув-семинарлари ўтказилди. Айниқса, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Давлат дастури доирасида партия аъзолари билан аёллар ўртасида ташкил этган “Оқила аёл — мустақам оила yaratuvchisi” кўрик-танлови аёлларимизнинг фаоллиги, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини яна бир бор синовдан ўтказишга хизмат қилди. Мазкур танловни ташкил этишдан мақсад бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўлаётган партия сафидаги аёлларни рағбатлантириш, уларнинг тажрибасини кенг татбиқ қилиш, партия тизимида оқила ва фаол аёллар сонини, ҳудудий партия ташкилотлари “Аёллар қаноти” Кенгашларининг салоҳиятини ошириш орқали партия дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга кенг жалб этиш, уларда лидерлик хусусиятларини шакллантиришга қаратилди. Уларга тегишли қонунлар ва ҳуқуқат қарорлари, жумладан, Оила кодекси, ҳамда партия дастуридан яхши хабардор бўлиши зарурлиги ҳақида талаб қўйилди.

Таъкидлаш керакки, танлов ғолибларини аниқлаш ва уни рағбатлантириш уч босқичда амалга оширилиб, иштирокчи ташаббускорлиги, дунёқарашининг ғоявий ва мафқуравий жиҳатдан мустақамлиги, сиёсий саводхонлиги, умумбашарий, миллий ва ижтимоий қадриятларини яхши ўзлаштирганлиги, амалга оширган лойиҳалари, ҳамкорлик ишлари жамоатчилик томонидан эътироф эти-

лишига алоҳида аҳамият қаратилди. Танловнинг туман ва шаҳар ҳамда вилоят босқичлари адолатлилик, очиқлик, ошқоралик, рақобат мезонлари асосида ўтказилди. Турли ёшдаги, ҳар хил касб ва ҳаётий тажрибага эга 600 нафардан ортиқ аёл иштирок этган танловнинг қўйи босқичлари маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилади. Юқори савияда ва қизиқарли руҳда бўлиб ўтган якуний босқичда ҳакамлар хайъати ҳар бир иштирокчининг туртки шарт бўйича тайёрлаган чиқишларини ҳолислик ва адолат асосида баҳолашди.

Тошкент вилоятида нашр этилган “Эко-мувозанат” газетаси бош муҳаррири Насиба ҒОФУРОВА “Оқила аёл — мустақам оила yaratuvchisi” кўрик-танловининг республика босқичи ғолибаси.



— Бугун биз учун ташкил этилган ўқув-семинар ҳамда кўрик-танловнинг якуний босқичи ҳаётимизда унутилмас таассурот қолдирди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий кўникмаларини янада чуқурлаштириш масалалари ҳақида янада кенг тушунчага эга

бўлиш баробарида партиянинг ҳудудий ташкилотларининг “Аёллар қаноти” аъзолари томонидан олиб борилаётган ишлар, бу борадаги янгиликлар билан танишиб, ўзаро тажриба алмашишга муваффақ бўлдик. “Оқила аёл — мустақам оила yaratuvchisi” кўрик-танловида ғолиб бўлганим эса зиммамга янада катта масъулият юкламоқда.

Сирдарё вилояти, Шириш шаҳри партия кенгаши раиси Озода ЭҒАМБЕРДИЕВА танловнинг иккинчи ўринга сазовор бўлди.

— Энг аввало юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, оиладаги тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар камоли, ҳаётдаги, ишдаги ва ижоддаги эришилаётган ютуқлар, буларнинг барчаси албатта, аёл бахти тўқислигини таъминлайдиган омиллардандир. Инсон манфаатларини энг олий қадрият, деб билган ва ижтимоий адолатнинг энг эзгу тамойилларини ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилган Ўзбекистон “Адолат” СДП сафида эканлигимдан мамнунман.

Тадбир якунида кўрик-танловнинг барча иштирокчилари ҳамда ғолибаларга Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати дипломлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.



Илём САХАТОВ, Носир ҲАЙДАРОВ (фото) «Адолат» мухбирлари

Учинчи ўрин соҳиби партиянинг Нукус шаҳар кенгашидаги “Аёллар қаноти” раиси Мунаввар ҚОБУЛОВА.

— Кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибалари сафида бўлган, деб ўйламаган эдим. Мақсадим — энг фаол партиядошларимиз сафига қўшилиб, бошқа вилоятлардаги маслақдошларимиз билан дўстлашиш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билимларимни кенгайтириш эди. Танлов баҳонасида “Фаол аёллар — партия таянчи ва мададкори” мавзусидаги ўқув-семинарда иштирок этганим ҳам айнаи мундоғ бўлди. Партиянинг сиёсий асосий бўғини экан, унинг мустақам ва соғлом бўлиши юрт фаровонлиги асосидир.



Н. РАҲМОНҚУЛОВА, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фаилари номзоди

Оила муҳофазасининг конституциявий асослари

Ҳуқуқий маърифат

Халқаро ҳамжамиятда оила ва унинг ҳуқуқий ҳимоясига алоқадор ғоялар, айниқса, XX асрнинг ўрталарига келиб кенг тус олди. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда оила ҳимояси билан боғлиқ ҳуқуқий қарашлар акс этди. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 16-моддасининг 3-қисмида “Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилинишига ҳақли” деб белгиланган.

Бундан ташқари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам оила масалалари етарлича акс эттирилган.

Давлат томонидан оилани муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси Конституциядир. Деярли барча давлатлар Конституциясида оила ва никоҳ тўғри-

сида тўхталиб ўтилган ва оиланинг давлат томонидан ҳуқуқий муҳофазада эканлиги у ёки бу кўринишда белгиланган (АҚШ Конституциялари бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби оила масалаларига бағишланган бўлиб, унда “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”,

деб белгиланган. Яъни давлатимиз оилаларни ўз ҳимоясига олади ва уларга зарар етказилишини олдини олиш мақсадида турли чораларни кўради. Ҳимоя чоралари эса, қонунда оилавий муносабатларни тартибга солиш бўйича, масалан, никоҳни қайд этиш, эрхотинлар ўртасидаги, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги шахсий-номулкий ва мулкий муносабатларни тартибга солиш борасида қатъий тартиб ва шартларнинг белгиланишида акс этади.

Маълумки, Конституцияда амал қилиниши лозим бўлган асосий қонунлар белгиланган. Асосий қонунимизда белгиланган оилавий муносабатларни тартибга солишда муҳим бўлган тамойиллар: никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилиги, уларнинг тенг ҳуқуқлиги, ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етунга

қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги бўлиб, оилавий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган қонун нормаларида ушбу асосий тамойиллар негизидаги қондалар ўрнатилган.


Ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга еттувчига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлигини белгилаш давлатимиз томонидан келажак авлоднинг тақдири, юртимизнинг тақдирига ғамхўрлик кўрсатилишининг нишонасидир.

Никоҳда тарафларнинг ихтиёрий розилиги шартли деярли барча ривожланган мамлакатларда белгиланган демократик тамойилларга асосланган бўлиб, оила қуриш масаласи шахснинг фақат ўз эркиндасига асосан, ҳал этиши

белгиланиши инсон шахсий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик йилларида оила масаласига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бундан биз ҳар бир йилга берилаётган номлардан ҳам кўрсак бўлади. Масалан, “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили” ва “Мустақам оила йили” бунинг тасдиғидир. Зеро, Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас саналган. Оила соғлом ва мустақам бўлса, тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Демак, оила жамиятнинг асосий бўғини экан, унинг мустақам ва соғлом бўлиши юрт фаровонлиги асосидир.

Н. РАҲМОНҚУЛОВА, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фаилари номзоди



Жараён

Солиқ тизими

Маълумки, мамлакатимизда «Бухгалтерга электрон маод» («БЭМ») дастурий махсулоти амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бу дастурий махсулот ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини тезкорлик билан, қозғозбозликсиз юриштида ҳамда бухгалтерия ва солиқ ҳисоботини электрон тарзда тақдим этишда катта қўлайликлар туғдирмоқда.

Дастурнинг афзаллиги

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда бухгалтерия ҳисобини юриштириш тартибига солувчи турли меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган ушбу дастурий махсулот бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бўйича замонавий талабларга мос келади. Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги кунда юртимиздаги тадбиркорлик субъектлари томонидан бу дастурий махсулотга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги ўнҳалик юритувчи субъектлар ундан кенг фойдаланишмоқда.

— 2011 йилдан бошлаб қорхонамизнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига оид бухгалтерия ҳисоб-китобларини юриштиришда «БЭМ» дастуридан фойдаланиш келмоқдамиз. Ушбу дастур сода ва қўлай ишлаб чиқилган бўлиб, унда қорхонага доир барча маълумотлар жамланган. Айниқса, бухгалтерия ҳисоб-китобларини компьютер дастури орқали автоматик равишда тўғри ҳисоблашни ишмишни осонлаштирмоқда, — дейди Термиз шаҳридаги «Чархпалак» масъу-

лияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси Саломат Каримова. — Солиқ кодексининг 45-моддасида белгиланганига кўра, солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини ўз хоҳишларига кўра бир неча усулларда тақдим этишлари мумкин. Менга айтиш мумкин. Менга айтиш телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзда тақдим этиш маъқул бўлди. Эндиликда солиқ ҳисоботларини доимий равишда электрон шаклда тақдим этамиз.

Дарҳақиқат, таъридан кўриниб туриши, «БЭМ» дастури ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини жойлардаги давлат солиқ инспекцияларига вақтида тақдим этишлари ва тўғри юриштиришлари, анча қўлайликларни яратмоқда. Шу боис ҳам ҳисоботларни электрон шаклда топширишни афзал билаётган солиқ тўловчи субъектлар сони кўнундан-кўнга кўпайиб бораётир.

Дарҳақиқат, таъридан кўриниб туриши, «БЭМ» дастури ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини жойлардаги давлат солиқ инспекцияларига вақтида тақдим этишлари ва тўғри юриштиришлари, анча қўлайликларни яратмоқда. Шу боис ҳам ҳисоботларни электрон шаклда топширишни афзал билаётган солиқ тўловчи субъектлар сони кўнундан-кўнга кўпайиб бораётир.

Илёс РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи

Кўлбола печ кулфат келтиради

Юртимизда об-ҳавонинг кескин совиши туфайли айрим хонадонларда кўлбола печлардан фойдаланиш анъанана айланади. Ёнғин хавфсизлиги талабларига кўра бундай мосламалардан фойдаланиш эса қаътияни ман этилади.

Кўлбола иситиш воситалари атрофга иссиқлик таратиш билан бирга, зарарли газ ҳам чиқаради. Бу шу уйдаги инсонлар, айниқса, болаларнинг ҳаётига хавф солиши турини гап. Тиббиёт ходимларининг фикрига кўра, кўлбола, спералли печлардан фойдаланиш оқибатида юрак-қон томир, тери касалликлари ва ички аъзоларнинг яллиғланиш ҳолатлари бугунги кунда кўп кузатишмоқда. Қолаверса, бунинг натижасида ёнғин келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Шу боис бундай иситиш асбобларидан умуман фойдаланмаслик мақсадга мувофиқдир.

2012 йилнинг шу даврига қадар шаҳримизда кўлбола печлардан фойдаланиш оқибатида ўнлаб ёнғинлар содир бўлди. Оқибатда бир неча оилага моддий зарар етди, инсонлар тан жароҳати олди. Албатта, келтирилган моддий зарар ўрнини қоплаш мумкин, Аммо «тилсиз ёв» яқинларимизнинг ҳаётига хавф солса, унинг ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмаслигини унутмаслигимиз шарт.

И.ПОЙ,
Тошкент шаҳридаги 12-ҲЕҲО 26-ҲЕХҚ бошлиғи, майор



Диққат, ёнғин хавфсизлиги ойлиғи

Олов — тилсиз ёв

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳри ҳудудида 1312 та ёнғин содир бўлиб, оқибатда 29 нафар киши ҳалок бўлган ва 30 нафари турли даражадаги тан жароҳатларини олган.

Ёнғинлар аҳоли турар-жойларда — 514 тани, маиший-маданий ва маъмурий биноларда 71 тани, ишлаб чиқариш корхоналарида 73 тани ташкил этди. Ёнғинларнинг келиб чиқишига асосан, фуқароларнинг олов билан фойдаланишларида эҳтиётсизликлар сабаб бўлган.

Ёнғинлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг қарийб 80 фоизи хонадонларда, шундан 40-50 фоизи газ иситиш печларидан ва турли хотдаги электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлмоқда. Содири бўлган ҳолатларни таҳлил қилар эканмиз, ёнғинлар ўз ўзидан эмас, балки инсонларнинг лоқайдликлари, бепарволиклари, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмасликлари ва болаларнинг назоратсиз қолиб, олов билан ўйнашлари натижасида юз бераётгани аён бўлади.

Хонадонларда юзага келаётган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида бошқармамиз ходимлари «Тошшаҳаргаз» ва шаҳар электр тармоқлари ходимлари билан биргаликда рейдлар ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Соҳа ходимлари

доимий равишда хонадонларда бўлиб, ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш ва аҳоли билан ҳамкорликда бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда.

Куз фаслидаги ёнғинларнинг аксарияти хазон ва чиқиндиларни ёқиб юбориш натижасида содир бўлмоқда. Йилнинг ўтган даврида пойтахтда 700 дан ортиқ ёнғин ҳам айнан ахлат ва чиқиндиларни ёқиш натижасида келиб чиққан.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиғи давомида ўтказилган тадбирлар самардорлигини ошириш мақсадида болаларга ёнғинларни бартараф этишда ишлатиладиган лоқайдликлари, бепарволиклари, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмасликлари ва болаларнинг назоратсиз қолиб, олов билан ўйнашлари натижасида юз бераётгани аён бўлади.

Хонадонларда юзага келаётган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида бошқармамиз ходимлари «Тошшаҳаргаз» ва шаҳар электр тармоқлари ходимлари билан биргаликда рейдлар ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Соҳа ходимлари

Д.БОЛИГЕНОВ,
Тошкент шаҳар 23-ХЕҲҚ катта инспектори

Шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган

Ҳимоя

Инсонлар ўзларининг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этадилар. Фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган кўйилганидек, «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансубдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади».

Фуқароларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилувчи суд органларидан ташқари, нотариал органлар ҳам «Нотариат тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрдаги қонунда баён қилинганидек, низоли масалаларнинг олдини олиш мақсадида тегиш-

ли ҳужжатларни расмийлаштириш билан ўз фаолиятини амалга оширадилар.

Амалиётда нотариал органлар айрим ҳолларда муайян ҳаракатларнинг бажарилишини рад этиши ёки бундай ҳаракатларни ғайриқонуний бажариши манфаатдор

шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Нотариал ҳаракатларни нотўғри бажарилгани деғанда бундай ҳаракатларнинг қонунда кўрсатилган талабларга амал қилинмаганлиги ёки уни асосланганлиги Мағаллийи тушунилади.

Нотариал ҳаракатларни мансубдор шахсларнинг нотўғри бажарилгани ёки уни бажаришни рад этганилиги устидан шикоят бериш ҳақидаги қонунда амалдаги ФПКда давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансубдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (карорлари) устидан шикоят ва аризалар бўйича иш юришти турига ўтказилади.

Манфаатдор шахсларнинг нотариал ҳаракатларини ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар

бажарган нотариал ҳаракатни бажариш рад этилганлигини нотўғри деб ҳисобласа, бу ҳақда у судга шикоят қилишга ҳақлиқдир.

Нотариал ҳаракат нотўғри бажарилганлиги ёки уни бажариш рад этилганлиги ҳақидаги шикоятлар нотариал ҳаракат нотўғри бажарилганлиги ёки бундай ҳаракатни бажариш рад этилганлиги аризага маълум бўлган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда берилади.

Шикоятда бажарилган нотариал ҳаракатнинг ёки бундай ҳаракатни бажариши рад этишнинг нотўғрилиги нималардан иборат эканлиги кўрсатилиши лозим. Шикоят бериш муддати ўтказиб юборилганда, уни тиклаш ҳақидаги илтимос суд томонидан умумий асосларда ҳал қилинади.

Нотариус ва нотариал ҳаракатлари бажарувчи идораларнинг

хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар 1996 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 39-моддаси, ФПКнинг 31-моддаси, 264-моддани 3-бандида ва 273-275-моддасида мувофиқ қўрилади.

Жумладан, «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасига мувофиқ, амалга оширилган нотариал ҳаракатни, нотариал ҳаракатни кечиктириш ёки нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарорни нотўғри деб ҳисоблаган манфаатдор шахс бу ҳусусда нотариал идора турган жойдаги судга шикоят қилишга ҳақлиқдир.

Мадина АЛЛАНОВА,
Самарқанд тумани 1-сон ДНИ ходими

Сўранг, жавоб берамиз Консуллик муассасаларида нотариал ҳаракатлар

— Анчадан бери чет давлатда яшайман. Ўзимга тегишли ўйин сотиш учун укамга ишончнома бермоқчи эдим. Айтинг-чи, шу ердаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари орқали ишончномани расмийлаштиришни мумкинми? Умуман, оқибатда давлатимизнинг чет давлатлардаги консуллик муассасалари қандай нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга?

О.Собиров

1996 йилнинг 26 декабрида қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

- битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказоларни) тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно;
- фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- мерос, мол-мулкнинг қўриқлинишига доир чора-тадбирлар кўради;
- меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради;
- эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар беради;
- ҳужжатларнинг нусхалари ва ҳужжатлардан олинган кўчирмалар тўғрисидаги шаҳодатлайди;
- ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқий эканлигини шаҳодатлайди;
- пул суммалари ва қимматли қозғоларни депозитга қабул қилиб олади;
- сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олади.

Ўзбекистон Республикасининг консуллари қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Хатира ГАИТОВА,
Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ДНИ нотариуси

Ўғлимни соғиндим

— Маълум сабабларга кўра, икки йил муқаддам турмуш ўртоғим билан расмий ажрашганмиз. Суд қарорига асосан 9 ёшли ўғлим ҳозир онаси билан яшайди. Фарзандимни моддий таъминлаб келаяман. Лекин собиқ хотиним ўғлим билан кўришиб туришимга йўл қўймапти. Айтинг-чи, унинг бунга ҳаққи борми? Бундай ҳолатда қандай йўл тутушим керак?

Қ.Темуров

— Боладан алоҳида яшаётган ота (она) боласи билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг ота (она)си билан кўришишига, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилиқ қилмаслиги керак.

Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлиқдир. Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-онанинг бирининг талабига бўлган суд томонидан васийлик ва ҳимойлик органи иштирокида ҳал қилинади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда, айбдор ота-онага нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Шунингдек, боладан алоҳида яшаётган ота (она) тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Ота (она) томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар бўлгандагина уларга ахборот бериш рад этилиши мумкин. Ахборот бериш рад этилган тақдирда суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Дилором ЮСУПОВА,
Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ФХДБ бўлими муdiri

Кечиримлилик ва бағрикенглик

қонунда акс этган ушбу қадриятлар хатосидан пушаймон кишиларга енгиллик беради


Инсонпарварлик тамойиллари

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Айниқса, жиноят қонунчилигининг либераллаштирилгани жамиятда барқарорликни сақлаш, судланганлик ҳолатининг қамойишида муҳим аҳамият касб этди.

Албатта, қонунчиликда жорий этилган бундай янгилликлар ҳаётий асосларга эга бўлиб, улар замирида инсон тақдирини ва келахақи акс этади. Зеро, хатосининг оқибатини чин дилдан англаб етган, қилмишидан пушаймон бўлган киши ўзини тегишли ҳулоса чиқариб, келгусида уни такоррорласликка, эл-юрт олдида юзини ёруғ қилишга астойдил уринади. Шундай экан, бундай кишиларга қаттиқ жазо беришдан кўра, ижтимоий ҳаётга фаол аралашшига эришиш мақсадга мувофиқ. Бу борада «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши нуносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун муҳим омили бўлмоқда. Ушбу қонунга биноан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркуми кенгайтирилди, хусусий мулк

дахлсизлиги кафолати сифатида мол-мулк мусодараси жазо тизимидан чиқарилди, етказилган моддий зарар ихтиёрий тарзда қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайдиган бўлди, дастлабки тергов ва эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаб туриш муддатлари қисқартирилди, амалдаги қонунчиликка ярашув институти киритилди. Мазкур ўзгартиришлар фуқароларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганига бугун гувоҳ бўлиб турибмиз.

Буҳоралик Самадулло Абдиевга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оид жиноят иши тафсилотлари фикримизни тасдиқлайди. С.Абдиев оилали, икки нафар фарзанднинг отаси, қолаверса, қарамоғида кекса онаси бўлишига қарамадан ҳалол йўл билан пул топиб, оила боқини ўзига эп билмади. Аксинча, пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида вақтин-



ча истиқомат қилган ҳолда нотаниш кишиларни алдаш ва ишончини сунистьёмол қилиш, ўзганинг мулкни қўлга киритиш, қисқа муддатда мўмай даромад орттириши ўзига касб қилиб олди.

Унинг бахтига ишонувчан, содда одамлар ҳам бир зумда топилма қолди. Тошкентлик Ботиржон Мадиев унинг ёлғондан тўқилган тўрига тушган илк «мижоз»лардан бўлди. Ботиржоннинг соддалигидан фойдаланган Самадулло унга Россияда ишлаб чиқарилган, ҳар хил ҳажмдаги темир кувур махсулотларини арзон нархда етказиб беришни ваъда қилиб, жами 12 000 АҚШ долларини қўлга келтирди ва мазкур пуллар-

ни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборди.

Бироқ С.Абдиевнинг жиноий ҳаракатлари узоққа чўзилмади. Унга Шайхонтоҳур туман судининг ҳукми билан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Боши деворга урилгандагина қинғирликнинг оқибати қандай тугашини англаб етган Самадулло кеч бўлса ҳам халотосини англаб етди. Шундан сўнг қилмишидан чин дилдан пушаймон, жабранувчиларга етказган зарарни тўлиқ қоплаган С.Абдиев енгиллик беришни сўраб апелляция инстанциясига мурожаат қилди. Жиноят кодексининг 168-

моддаси 4-қисмида етказилган моддий зарар ўрни тўлиқ қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди, деб кўрсатилган. Шу боис апелляция инстанцияси суди биринчи босқич суди ҳукмини қонунга мувофиқлаштириб, протест ва шикоятни қаноатлантиришни лозим топди. Жиноятчининг оилавий шароити, айбига икромлиги ва қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, зарар унинг қариндошлари томонидан тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни лозим топди ва С.Абдиев суд залида қамоқдан озод этилди.

Гувоҳи бўлганимиздек, жиноят қонунчилигига сингдирилган инсонпарварлик, адолат тамойиллари кишининг ижтимоий ҳаётда яна ўз ўрнини топишига катта имконият яратмоқда. Ушбу ҳуқуқий мезонлар шахсларнинг жамиятда тутган ўрнини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарликка тортиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишга, оиладаги мустаҳкамликни таъминлашга замин яратаётгани билан янада аҳамиятлидир.

Баҳром ТАШПУЛАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси,
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

Зилзилани олдиндан аниқлаш мумкин

олимларимиз ихтироси шундай имконият яратаяпти

Инновация

Зилзила инсониятни энг кўп ташвишга соладиган табиий офатлардан бири. Шунинг учун ҳам ер ости силкинишлари қандай содир бўлади, у қаёқдан келиб чиқади, деган масала қадимдан башоратни ўйланган келади.

Зилзилаларнинг инсониятга етказётган талафотлари кўлами XXI асрга келиб янада ортиб бораётганини кузатиш мумкин. БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича халқаро стратегияси маълумотларига қараганда, янги асрнинг ўтган ўн йиллигида содир бўлган барча табиий офатлар орасида салбий оқибатлари кўлами бўйича айнан зилзилалар юқори ўринда туради.

Охириг йилларда Покистон, Индонезия, Туркия, Перу, Чили, Гаити, Италия ва Японияда содир бўлган ер қимирлашлари натижасида юз минглаб кишилар ҳаётдан кўз юмди, миллионлаб кишилар бошпанасиз қолди. Бу ҳолат ер ости силкинишларини олдиндан билиш заруратининг нақадар долзарб ва глобал масала эканлигини кўрсатмоқда.

Инсоният азалдан табиатнинг ўшбу ҳодисаси сабабларини ўрганиш ва уни олдиндан башорат қилишга ҳаракат қилиб келган. Дастлаб одамлар зилзила хавфини табиатдаги айрим ўзгаришлар ва ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали билишга уринишган бўлса, кейинчалик уни илмий асослашга интилишган. Тарихий манбаларда келтирилишича, милоддан аввалги III асрда Хитойда ер қимирлашини аниқловчи асбоб (сейсмограф) ихтироси қилинган.

Шунингдек, Европа антик даври намояндлари Демокрит, Аристотел ва бошқалар асарларида ер қимирлаш қандай юз бериши ҳақидаги ўз карашларини илмий ва назарий асослашга уринишган. У улуг мутафаккиримиз Абу Али Ибн Сино ҳам ўзининг «Китоб аш-шифо» асаридан ўшбу табиий ҳодисаси ҳақидаги фарзларини келтириб, ернинг турли ҳудудларида зилзиланинг силкиниш кучи ва қайтарилиш даври турлича бўлишини баён қилган.

XX асрга келиб ер қимирлашини олдиндан аниқлаш борасида олимлар замонавий фан-техника ютуқларига таянган ҳолда, маълум натижаларни қўлга киритишди. Эндликда эса ҳайвонларнинг ўзини тутиши, радиоактив газларнинг ажралиб чиқиши, ер ости сув оқимлари каби бир қатор табиат хавф-хатаридан огоҳлантирувчи белгиларни сирасига электромагнит радиация ҳам киритилган бўлди.

«New Scientist» журналида келтирилишича, баъзи зилзилалардан олдин олимлар Ердан электромагнит импульслар ажралиб чиқишини, иносферда электромагнит тўққинларнинг пайдо бўлишини ва сайёранинг тўйинган газларидан иборат нозик қобити 80дан 1000 километргача кенгайишини кузатишган.

Зилзилалар олдиндан радио-сигналлар тарқатишини биринчи бўлиб Калифорниядаги Стенфорд университетининг Фазо Телекоммуникациялари ва Радио Фанлари лабораторияси олими Энтони Фрейзер-Смит кашф қилди. 1989 йилнинг октябрида у Сан-Францискода содир бўлган Лома-Приета зилзиласи асносида 10 Гцгача бўлган электромагнит

шоққинлар мониторингини ўтказди. Натижада Фрейзер-Смит электромагнит шоққинларнинг ер қимирлашидан икки hafta олдин тахминан 20 марта кўпайгани ҳамда ўшбу кўрсаткич зилзиладан кейин бир ойгача сақланиб турганини кузатган. Шундан сўнг кўплаб изланувчилар бундай тадқиқотни сейсмик ҳудудларда ўтказишга ҳаракат қилганлар.

Бир қатор мутахассис-олимларнинг фикрича, ер ости фаоллигининг кучайиши билан магнит заррали қоялар парчалана бошлади ва 1 Гцга ҳам етмайдиган ўта паст частотали радиотўққинлар тарқалади. Тадқиқотчилар ана шундай радио тўққинларни аниқлаш натижасида зилзилалардан огоҳлантириш тизимига эга бўлишимиз мумкинлигига умид қилмоқдалар.

Айрим тадқиқотчи гуруҳлар ўта паст частотали диапазондаги радио импульсларни илғаб олиш мақсадида аллақачон чуқур туннеллар қазини бошлаб юборишган. Баъзи гуруҳлар эса сейсмик зоналар юқорисидagi иносфера қатламида рўй берадиган радиотўққинларни ўлчаш учун сенсорлар (сезгир асбоб) билан жиҳозланган сунъий йўлдошлардан фойдаланишмоқда.

Хусусан, Япониянинг Киото шаҳридаги «Сангё» университети ходими Минору Сутсуи бундай тадқиқотчи гуруҳ шундай фаолият олиб бориб, университет ҳовлисида кенглиги 10 см, чуқурлиги 100 м бўлган чуқур қазини ва тик йўналиштирилган, ўта паст частотали сигналларни қабул қилувчи битта антенна чуқурлик тубига, иккинчисини эса ер сиртига ўрнатишган. Антенналар ёрдамида аниқланган ўта паст частотали сигналлар нисбати импульслар қайси йўналишдан келаятганини аниқлаш имконини берган. 2004 йилнинг 4 январидан ўта паст частотали радиоимпульслар жануби-шарқдан келаятгани аниқланди. Икки кундан кейин эса жануби-шарқий ҳудудда эпимаркази 130 километрик, 5,5 балли зилзила содир бўлган. Ер силкинишидан 6 соат кейин жануби-шарқдан ва жануби-шарқдан келаятган ўта паст частотали сигналлар тарқалиши давом этди ва кейинги кун сигнал ғойиб бўлди. Шундан сўнг олимлар гуруҳи зилзила маълум кундан ошган тақдирдаги ушбу тажриба натижа бериши мумкин эканини билдиришди. Ҳозирда ўта паст частотали радиотўққинларнинг вужудга келиш механизмини аниқлаш устида иш олиб бораётган Сутсуи ўшбу механизмни аниқламай туриб, эпимарказ қаерда бўлишини аниқ айтиб бўлмаганини таъкидлаган.

Токио Электрокоммуникация университети электроника мунҳандиси Масаси Хаякава ҳам бу хилдаги ҳодисаларни аниқлаш имконисиз эканлигини билдиради. У ҳар хил кўринишдаги табиат ҳодисалари (момақалдирик, магнит бўрони, метеорлар ва ҳоказолар) ўзидан ўта паст частотали сигналлар чиқаришини ва айнан қайси сигналлар зилзиладан дарак беришини ажратиб олиш мушкуллигини таъкид-



лаб, буни атмосфера барча жумбоқлар жавобларини ўз ичига қамраб олганиги билан изоҳлайди.

Франциянинг Илмий Излаишлар Миллий Кенгаши ходими Мишел Паррот Сутсуи фикрини кўлаб-қувватлайди ва исбот тариқасида Европа Фазо Агентлигига қарашли DEMETER (Зилзила ҳудудидан чиқадиган сигнални қайд этувчи электромагнит детектор) сунъий йўлдошдан олинган дастлабки маълумотларни кўрсатиб ўтади. DEMETER иносферанинг ҳарорат, зичлик ва таркибини ўлчайдиган сенсорлар тизими ёрдамида 2004 йил 5 сентябрда Япониянинг Кио ярим оролида рўй берган 7 балли зилзиладан 7 кун олдин иносфера қатламида ион зичлигининг ошганини ва ҳароратнинг кўтарилганини қайд этган. Сунъий йўлдош орқали, шу йилнинг 23 январидан Индонезияда содир бўлган зилзиладан 2 кун олдин, 30 август кун Япония яқинидаги зилзилдан 5 кун олдин ва ноябрда Янги Зеландиядаги зилзиладан 2 кун олдин юқоридаги белгилар кузатилган. «Бахтга қарши, 2004 йилнинг 26 декабрида Суматра зилзиласи Осиё цунамисини келтириб чиқарганида ва 8 октябр кун Кашмир зилзиласи пайтида DEMETER ўчирилган ҳолатда бўлган. Шунинг учун бу икки фожиа тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ», дейди Паррот.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон сейсмик фаол ҳудудлар сирасига киради. Биргина 1966 йилнинг 26 апрелида Тошкент шаҳрида содир бўлган кучли зилзила ва унинг оқибатлари халқимиз ҳолида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон сейсмик фаол ҳудудлар сирасига киради. Биргина 1966 йилнинг 26 апрелида Тошкент шаҳрида содир бўлган кучли зилзила ва унинг оқибатлари халқимиз ҳолида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон сейсмик фаол ҳудудлар сирасига киради.

Институт илмий ходими Асатилла Мақсудовнинг таъкидлашича, кўтарилаётган долзарб муаммони ечининг янги концепциясига кўра ер қимирлашини қисқа вақт ичида аниқлашнинг техник имконияти мавжуд ва бунда космик нурларнинг оқими ва Ер қобигидаги нейтронлар ҳаракати ўзгаришини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Тоғ шариотида қузатиш олиб борган Москва давлат университети олимлари ҳам ер қимирлашга тахминан бир сутка қолганда Ер қобигидаги нейтронлар оқими 2-3,5 баравар ошишини таъкидлашган.

— Янги қурилмаимиз ёрдамида ўтган йилнинг июль-ноябрь ойлари ҳамда жорий йилнинг февраль-апрель ойларида кузатиш ишлари олиб борилди, — дейди тадқиқотчи. — Қурилма кузатишлар даврида турли ҳудудларда содир бўлган зилзилалар ва зарарланган заррачалар оқимининг кескин ўзгаришини қайд этди. Маса-

лан, 2011 йилнинг 19 июлида Тошкент ва Фарғона водийсида юз берган 5 балли зилзила (эпимаркази Қирғизистон тоғларида) вақтида қайд этилган сигнал 1700 ўлчов бирлигини, кейин 20 июлда Япониядаги зилзила вақтида 700 ўлчов бирлигини ташкил этди. Ушбу ер силкинишларидан 2-3 кун олдин ҳисоблагичлар қайд этган сигналлар миқдори бир неча ўн баробар ошиб бориб, ер силкиниши юз берган вақтгача ўсишда давом этди ҳамда ҳодисадан сўнг унинг кўрсаткичи нолинчи даражага тушиб кетди. Сентябрь ойида қурилмаимиз ҳеч қандай сигнални қайд этмади ва бу даврда ҳеч қаерда зилзила содир бўлмади. Октябр, ноябрь ойларида ҳисоблагичлар яна бир неча сигналларни қайд этди ва бу Туркияда 23 октябр, ҳамда ноябрь ойининг 8-, 10-, 14- ва 24-кунларида содир бўлган зилзилаларда намоён бўлди. 2012 йилда изланишлар яна давом эттирилди ва 5 февралда Қирғизистонда ва 7 февралда Японияда содир бўлган ер силкинишларининг сигналлари ҳисоблагичларда қайд этилди.

Олимларимизнинг бу борда ҳозирги кунда олиб бораётган изланишлари ҳам диққатга сазовор. Фанлар академиясининг Физика-техника институти «Физика-Кўёш» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир гуруҳ олимлари томонидан экспериментал қурилма яратилди ва унинг ёрдамида қўлланган Ер қобигидаги паст энергияли зарядланган зарралар ва нейтронлар оқимининг вақт бўйича ўзгаришини ўрганиш орқали зилзила хавфини қисқа муддатда олдиндан айтиб беришнинг янги усули яратилди. Сўнгги йилларда содир бўлган бир қанча кучли ва сезиларли зилзилалар уни олдиндан аниқлаш усулини шакллантиришга ўзига хос тажриба вазифасини ўтаб берди.

Институт илмий ходими Асатилла Мақсудовнинг таъкидлашича, кўтарилаётган долзарб муаммони ечининг янги концепциясига кўра ер қимирлашини қисқа вақт ичида аниқлашнинг техник имконияти мавжуд ва бунда космик нурларнинг оқими ва Ер қобигидаги нейтронлар ҳаракати ўзгаришини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Тоғ шариотида қузатиш олиб борган Москва давлат университети олимлари ҳам ер қимирлашга тахминан бир сутка қолганда Ер қобигидаги нейтронлар оқими 2-3,5 баравар ошишини таъкидлашган.

— Янги қурилмаимиз ёрдамида ўтган йилнинг июль-ноябрь ойлари ҳамда жорий йилнинг февраль-апрель ойларида кузатиш ишлари олиб борилди, — дейди тадқиқотчи. — Қурилма кузатишлар даврида турли ҳудудларда содир бўлган зилзилалар ва зарарланган заррачалар оқимининг кескин ўзгаришини қайд этди. Маса-

Британияда сув тошқинлари

Элви дарёси тошганлиги сабабли Уэльс шимолдаги тахминан 500 та уй эгаларига ўз турар-жойларини ташлаб чиқиш тавсия этилди.



Атроф-муҳитни химоя қилиш агентлиги хабарига кўра, дарёнинг Сант-Асаф шаҳрига туташ қирғоқларида сув сатҳи 4,35 метрга кўтарилди. Одатда Элвида сув сатҳи 1,2 метрга етарди, ҳолос. Ҳозирнинг ўзида шаҳардаги 100 га яқин уйни сув босган. Қутқарувчи ва ўт ўчирувчилар айрим одамларни эвакуация қилишга тўғри келди. Об-ҳаво мутахассислари Англия ва Уэльснинг бошқа кўплаб ҳудудларини ҳам сув босиши мумкинлиги юзасидан огоҳлантиришмоқда.

Таъкидлаш кераки, 2007 йилдан бери Буюк Британияда сув тошқинларидан химоя тизимини яхшилаш учун кўплаб чоралар кўрилди, соҳага сармоялар киритилди. Чунки ўша йили Британия сув тошқинларидан катта жабр кўрди, зийн миқдори 3 миллиард фунт стерлинг (1,9 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил этди.

Глобал иқлим ўзгаришига оид анжуман

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотиби Пан Ги Муннинг таъкидлашича, иқлим ўзгариши инсониятга жиддий хавф солмоқда. Халқаро ҳамжамият муаммага зудлик билан ечим топиши керак.



Дунёнинг 200 дан ортиқ давлат вакиллари шу кунларда Қатарнинг Доха шаҳрига мавзунли муҳокама этиш учун йиғилмоқда. XXI асрнинг дастлабки ўн йили тарихдаги энг иссиқ давр бўлди. Олимларнинг ақсарияти бунинг сабабини атмосферанинг қуйи қатламга йиғилайдиган захарли газлар билан изоҳлашмоқда. Улар табиий ҳосил бўлиши ёки нефть, газ ва кўмир каби ресурсларнинг ёқилиши оқибатида атмосферага чиқиши мумкин. Натижада иқлим иссиқ оқибатида юз бераётган об-ҳаво ўзгаришлари бугун одатий ҳолга айланиб қолди.

Бобил «хуқуқ қонуни» Нью-Йоркка йўл олди

Британия Музейида сақланаётган энг рақсий осори атқалардан бири Қуруш ёзмаси келгуси йил АҚШда беш йирек музейга намоишига қўйилади.



Британия музейи раҳбари Нейл Макгрегорнинг айтишича, инсон ҳуқуқлари бобидаги дастлабки қонун сифатида кўрилган ўшбу қадимий ёзув илҳом бериб кўпроқ инсонларга таништирилиши лозим. Ушбу ёзув инсоният тарихида энг қадимийларидан ҳисобланган Бобил алифбосида битилган.

Ёзув милоддан аввалги 539 йили Форс подшоҳи Буюк Қуруш буйруғи асосида сопол парчасига туширилган. Музей ходимларининг сўзларига кўра, унда Форс империяси ҳудудида ибодат эркинлиги таъминланиши, ватанларидан мажбуран чиқариб юборилганларга қайтиш имкони берилиши кераклиги айтилган. Ёзув замонавий Ироқ ҳудудида 1879 йили Британия музейи ходимлари томонидан археологик тадқиқотлар мобайнида топилган.

Бағрикенглик ва турли эътиқодли инсонларга нисбатан ҳурмат рақсий сифатида кўрилган ўшбу қадимий ёзувнинг нусхаси Нью-Йоркдаги БМТ қароргоҳида намоишига қўйилган. АҚШга йўл олган ва қадим Форсда Қуруш ёзуви дея номланган ашёлар гуруҳига 16 та асар киритилган ва улар милоддан аввалги 550 йилдан 331 йилга қадар яратилгандир. Буюк Қуруш Ёзуви 2010-1011 йиллари Эрон миллий музейида ҳам намоишига қўйилган бўлиб, уни бир миллионга яқин инсон бориб кўрган.

Германияда илк масофавий мактаб

Германияда ўтган ҳафтада илк виртуал мактаб очилди. У орқали Шарқий Фриз оролларидаги мактаб ўқувчилари дарсларда билвосита қатнашиш имкониятига эга бўлишди.



Янги ороллардаги ўқувчилар видеоконференция ҳамда он-лайн режимда компьютерлар ёрдамида дарсга уланишлари мумкин. Шундай қилиб, хоҳловчилар гимназия таълимини олишлари мумкин. Зеро, оролларда мактаблар йўқ, Энди масофавий таълим олган ўқувчилар университетга кириш ҳуқуқини берувчи аттестатлар олишлари мумкин.

Ташкилотчилар мазкур лойиҳани тайёрлашда Америка, Канада, Австралия ва финляндиялик ҳамкасбларининг тажрибасидан фойдаланишган. Масофавий таълим берувчи мактабнинг 2015 йилгача тажриба сифатида фаолият юритиши режалаштирилмоқда. Шундан сўнг уни давом эттириш масаласи кўриб чиқилади. Янги таълим жараёни техник таъминотида сарфланган ҳаражат 200 минг еврони ташкил этди.

Океан сатҳи кўтарилмоқда

Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматларо экспертлар гуруҳи (IPCC)нинг беш йил олдин ўтказган ҳисоб-китоbligарига қараганда, охириг 20 йил ичида дунё океанларида сув сатҳи кўтарилганидан кўра 60 сантиметрге ошган. Германия, Франция ва АҚШ олимларининг олиб борган тадқиқот натижалари бунга тасдиқлайди.

IPCC ҳисоб-китобига, денгиз сатҳи кўтарилиши йилига 2 миллиметрни ташкил этиш лозим эди. Бироқ сунъий йўлдош маълумотлари денгиз сатҳи 1990 йилдан 2011 йилгача йилига 3,2 миллиметргача тезликда кўтарилганини кўрсатган. Тадқиқотчилар фикрича, бу маҳаллий иқлим ҳодисаси ёки улкан ҳажмдаги эриган Гренландия ва Антарктида музликларининг сувга қуйилиши билан боғлиқ жараён эмас. «Жаҳон океани сатҳи физик жараёнларга боғлиқ бўлиб, у сайёрадаги глобал ҳарорат-

нинг ўртача кўтарилишидан кўра анча мураккабдир. Далиллар асосида ҳодисанинг қандай кечishi ва оқибатини олдиндан айтиб бериш учун маълумотларни доимий тарзда бугунги кун билан солиштириб бориш зарур», дейди иқлим ўзгариши оқибатини таҳлил этувчи Потсдам институти ходими Штефан Рамсторф (Stefan Rahmstorf). Сув сатҳининг ошиши денгиз сатҳидан камида бир метр юқорида жойлашган Токио ва Лондон каби аҳолиси 70 миллиондан ошдиқ шаҳарлар аҳолиси учун жиддий хавф туғдиради.



Илёс САХАТОВ

Сўнгги саҳифа

Юлдуз Ҳамидова:

“Ўқиш ҳар доим ҳам ўқишни билдирмайди”

Таҳририят меҳмони

Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, истеъдодли ва жозибador актриса — Юлдуз Ҳамидова. Санъаткор билан унинг ижоди ва хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ҳусусида суҳбатлашдик.

— Юлдуз опа, турли жанрдаги фильмларда суратга тушгансиз, ранг-баранг образлар яратгансиз. Роль танлашда нималарга эътибор қаратасиз?

— Сценарийни ўқиб, қаҳрамоним томошабинга нима бера олади, қандай таъсир кўрсатади, деган саволларга жавоб излайман. Шу кунга қадар 70 дан ортик фильмда роль ўйнаганман. Кўп ҳолларда режиссёрлар менга юмшоқ табиатли, ҳушмуомила аёл роллини талқин қилишни таклиф этишади. Лекин актёр ёки актриса ҳар қандай инсон образини кўрсата олиши, унинг характерини очиб бериши керак. Шу туфайли Ҳилол Насимовнинг “Алданган аёл” фильмида хотин-қизларни гўёки динга, Оллоҳга эътиқод қилишга ундайдиган, аслида эса бошқа манфур йўللарга бошлайдиган Фотима исми отин ойи роллини рад этмадим.

— Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан таъмин этиладиган миллий телесериалларда кўлаб бош ролларни ижро этиб келаясиз. Уларда замон билан ҳамнафас, жамиятга нафи тегадиган аёллар образи тез-тез учраб туради. Айниқса, “Туташ тақдирлар”, “Ҳаёт жилгалари” сериалларини кўпчилик мириқиб томоша қилди. Бундай сериаллар машҳур бўлиб кетишининг сабаби нимада деб биласиз?

— Фикримча, томошабинларимизда ўз сўзи, ўрнига эга, оилада уй-рўзгор юмушлари билан жамиятда жамоат ишларини бирдай олиб борадиган, дабдабазоликни ҳушламайдиган, ҳўжакурсинга ишламайдиган замонавий аёлларимизнинг ҳаётига, уларнинг турмуш тарзи, дунёқарашига қизиқиш кучли. Бугунги жамият шундай хотин-қизларга эҳтиёж сезмоқда, шўр, улар ҳозир кўпчиликини ташкил қилмоқда.



“Туташ тақдирлар” сериалида журналист образини талқин қилдим. Иш жараёнида қаҳрамоним айрим худбин, қонунни менсимайдиган одамларга дуч келиб, уларга қарши ўзининг жасорати ва билими билан кураш олиб боради, шахсий ҳаётида айрим зиддиятларга дуч келади. У ҳар қандай она сингари фарзандининг бахти, камолини кўргиси келадиган, аммо баъзи хотин-қизларимизга ўхшаб бахтни мол-давлат, бойликда деб билмайдиган самимий аёл. Лекин қаҳрамонимнинг қудаси, қизининг қайнонаси — унинг акси. Журналист қизининг бахти, тинчлиги унинг сарпосига боғлиқ эканлигини кўриб астойдил куюнади. Бу каби зиддиятли ҳолатлар ҳаётда учраб тургани сабабли ҳам ҳалқимиз сериалини севиб томоша қилган бўлса, ажабмас.

— Шу ўринда “Адолат” социал-демократик партияси ҳам мамлакатимизда хотин-қизлар ролли ва мақолини ошириш, уларнинг ҳар қандай соҳада юқори кўрсаткичларга эришишини қўллаб-қувватлашни таъкидлаш жоиз. Яқинда партия ташаббуси билан “Мустақкам оила йили” Давлат дастури доирасида шундай фаол, ўқимшли хотин-қизлар ўртасида “Оқила

аёл — мустақкам оила яратувчиси” кўрик-таллови ўтказилди. Сиз учун оқила аёл ким?

— Аёл оилада ҳам, маҳалла-қўйда ҳам ўзининг ишбилармонлиги, заковати, дид-фаросатини намойён қила олиши жуда муҳим. Шу сифатларни ўзида мужассамлаштирган аёлни оқила аёл, деб ҳисоблайман. Шундай инсонлар бор, кўп ўқийди, лекин кўп ўқмайди, ҳаётда узоқ умр кўради, лекин уни мазмунсиз ўтказди. Оқила аёл эса билганини амалда қўллаб олиб, ўз устид тинимсиз изланади.

— Сизнинг яшаш тарзингиз ёки дунёқарашингизни ўзгартиришга хизмат қилган кино образи ёки фильмга дуч келганми?

— Ҳар бир ролни ўйнашдан олдин ўша қаҳрамоннинг феъллини, касбини ўрганишга, таҳлил этишга ҳаракат қиламан. Қизиғи шундаки, уларнинг ҳар биридан қайсидир маънода бир жиҳатни ўзимга одат қилиб оламан. Масалан, айни пайтда суратга олинаётган Мохигул Ҳамроевнинг “Қадриятлар” сериалида шифокор образини талқин қилаялман. Ундан кўпгина билмаган нарсаларни ўрганаёлман. Қисқароқ айтганда, ўзимни “малакали, билимли шифокор”дек

ҳис қилиб, фарзандларим, яқинларимга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб юрибман.

— Қандай ҳулқ-атворли инсонлар билан бирга ишлаб олмайсиз?

— Энг ёмон кўрган иллатим — кўплик, кўрслик. Аёл киши ҳамиша яхши гапга эҳтиёж сезгани ёки ўзим одамларга қаттиқ гапиргим келмагани учунми, ҳушмуомила инсонларни ҳурмат қиламан.

— Оилангиз ҳақида ҳам тўхталасангиз?

— Албатта. Уч қизим, севишли касбим бор. Турмуш ўртоғим мени, касбимни ҳурмат қиладилар.

— Яқин келажакда муҳлисларингизни қандай роллар билан хурсанд қиласиз?

— Юқорида айтганимдек, “Қадриятлар” сериалида суратга тушаялман. “Сой кўшиғи” фильми яқинда катта экранда намойиш этилади. Унда қизиқarli образни ижро этганман. Бундан ташқари, дубляж ишлари билан бандман ҳамда “Ўзбекфильм” қошида ёш ҳаваскор актёрларга сабоқ бериб келаялман.

Саодат СОДИҚОВА суҳбатлашди

Грипп асоратлари билан хавфли

унга қарши эмлаш эса касалликка чалиниш хавфини 90 фоизга камайтиради

— Жорий йилда ўтказилган эпидемиологик кузатувларда республикамизда грипп ва ўткир респиратор касалликларнинг интенсив ровишда кўтарилиши ва эпидемиологик чегарадан ортиши қайд этилмаган, — дейди Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария ва эпидемиология назорат маркази етакчи мутахассиси Дилором Турсунова.

— Мазкур касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорлик сақланиб турибди, деб бемалол айтиш мумкин. Лекин аҳоли миграцияси грипп касаллигини республикамиз ҳудудига кириб келиш ва тарқалиш хавфини тугдиради. Таъкидлаш жоизки, грипп ва ўткир респиратор касалликларига қарши эмлаш ва кимёвий профилактика борасида эришилган ютуқларга қарамай, улар ҳозирги кунда ҳам тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ҳар йили рўйхатга олинаётган юқумли касалликларнинг 90 фоизи грипп ва ўткир респиратор касалликларнинг вирусли турларидир. Юқумли касалликлар натижасида етказиладиган иқтисодий зарарнинг 80 фоизини ҳам шулар юзага келтиради.

— Касалликни мустақил ҳолада даволаш мумкинми?

— Баъзилар бу касалликка етарли эътибор бермасдан, уни

«оёқда» ўтказида, ўзича даволанади.

Ҳар бир мавсумдаги грипп ва ўткир респиратор касалликлари ўзига хос хусусияти билан ажралиб туриши билан бирга, касаллик белгилари ҳар йили турлича кузатилади. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология назорат маркази томонидан ҳар йилнинг бошида қўллаб-қувватлашнинг мақсади бўлиб, башорат қилинади. Ва шунга кўра жорий мавсумга тайёргарлик қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилади.

Кези келганда айтиш жоизки, грипп ноҳус асоратлари билан хавфли. Юқоридаги ўзбошимча ҳолатлар эса кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Касаллик аломатлари сезилганда зудлик билан оила шифокорини чақириб, маслаҳатларига амал қилинса, бемор гриппдан

тез ва асоратсиз тубулиб кетади. Акс ҳолда яхши даволанилмаган да менингит, отит, бронхит, зотилжам ва бошқа бир қатор асоратлар қилиши мумкин.

— Маълумки, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган афзал. Мазкур муаммонинг олдини олиш борасида қандай ишлар амалга оширишмоқда?

— Соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, жисмоний тарбия билан шўгулланиш, сув муолажалари билан танани чиқитириш, дезинфекцияловчи воситалар билан хонани тез-тез тозалаш, тўғри овқатланиш, кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилиш, аҳоли гавжум жойларга камроқ ташриф буюриш, никоб тақиб юриш грипп касаллигидан сақланишда ёрдам беради.


Бироқ аҳолини гриппга қарши эмлаш унинг олдини олишдаги энг муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Чунки эмлаш тадбири амалга оширилганда сўнг танада гриппга қарши иммунитет ҳосил бўлади ва йил давомида сақланади. Гриппга қарши эмлаш мутлақо безарар бўлиб, болаларда 6 ойликдан бошлаб қўллаш мумкин. Албатта, эмлашдан олдин шифокор назоратидан ўтиш зарур.

Ҳозирда мамлакатимизга ҳоржий давлатларда ишлаб чиқарилган, юқори сифат ва самардорликка эга вакцина келтирилиб, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш мақсадида қўлланилмоқда. Хусусан, айни кунгача аҳоли билан узвий мулоқотда бўладиган тиббиёт ходимлари, касаллик асоратларининг ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар, 65 ёшдан юқори бўлган қариялар, ҳомилдор аёллар, сурўнкали равишда оғир турадиган беморлар, шунингдек, касалликка чалиниш эҳтимоли юқори бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож “Болалар уйлари”, имконияти чекланган болалар махсус мактаб-интернатлари, “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчилари — жами 90 мингдан ортик юрдошларимиз гриппга қарши эмланди. Гриппнинг оғир турлари билан касалланганлар учун шаҳар ва туманлардаги шифохоналарда қўшимча ўринлар ажратилди, ҳар бир дорихоналарда зарур доридармонлар захираси тайёрлаб қўйилди. Вирусологик таҳлилхоналар грипп ташхиси учун керак бўлган реактивлар билан тўлиқ таъминланди. Шунинг унутмаслик керакки, эмлаш нафақат тиббий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам самаралидир.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди

Тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

СИЗНИНГ МАБЛАҒИНГИЗ “МИКРОКРЕДИТБАНК” ОМОНАТЛАРИДА СОНИЯЛАР САЙИН КЎПАЯДИ!



“ИШБИЛАРМОН” омонати

Мурожаат учун телефонлар: (99871) 273-05-80, 273-05-87.

Хизматлар лицензияланган.

Дастурий таъминот — улкан даромадлар манбаи

Матбуот анжумани

Дастурий таъминот компьютер технологияси асосидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, дастурий маҳсулотларга бўлган эҳтиёж, миллий бозорда ишлаб чиқарилаётган компьютер дастурлари, уларга бўлган талаб ҳамда рақобатбардошликни ошириш, соҳадаги қонунчилик тизимини такомиллаштириш, хорж дастурларини ўрганиш орқали маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, компьютер дастурларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш каби вазифалар босқичма-босқич ҳал этилмоқда.

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистоннинг дастурий маҳсулотлари бозори: ривожланиши ва истиқбол вазифалари» мавзусидаги матбуот анжумани ҳам ана шу ҳусусда бўлди.

— Ўзбекистоннинг дастурий маҳсулотлари (ДМ) бозори жадал сурьатларда ривожланмоқда, агар 2005 йилда ДМни ишлаб чиқариш билан шўгулландувчи компаниялар сони 100 тани ташкил этган бўлса, 2012 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра эса, 238 тани ташкил этди, — деди Ахборот технологиялари ассоциацияси директори И.Абдуллаев. — Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигида рўйхатга олинган дастурий маҳсулотларнинг сони 2012 йилнинг 9 ойи мобайнида 208 тани ташкил этди. Жумладан, ЭҲМ учун 194 та дастур ва 14 та маълумотлар базаси рўйхатга олинган.

Президентнинг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «UNICON.UZ» ДУК қошида Дастурий маҳсулотлар экспертизаси бўлими ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий вазифаси Миллий ахборот тизими доирасида жорий қилинадиغان дастурий маҳсулотлар экспертизасини амалга оширишдан иборат.

Илгор тажрибаларни қўллаш, компьютер технологиялари янгиликларини жорий қилиш мақсадида, ёш дастурчиларни тайёрлаш бўлган эҳтиёж ўсиб бораётганлиги сабабли Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказида 2012 йилнинг 9 ойи давомида дастурлашнинг турли йўналишлари бўйича 600 дан зиёд тингловчи таълим олди. Тошкент ахборот технологиялари универ-

ситети қошидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари марказида қатор курслар ташкил қилинган бўлиб, уларда 60 нафар тингловчи малакасини оширди.

Миллий дастурчиларимиз яратган маҳсулотлари билан Марказий Осиёда ўз ўринларига эга. Бунда яратилаётган дастурлар хилма-хиллигини ҳам эътироф этиш лозим.

Хитой, Россия, Ирландия каби мамлакатлар бошлангич сармоя талаб этмайдиган бу соҳадан катта манфаат кўради. Мисол учун, улар автомобилсозликка нисбатан кўпроқ даромад кўрмоқда. Юртимизда ҳам мутахассислар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, билимли ва малакали дастурчилар гуруҳини ташкил этиш орқали мазкур соҳага этибор оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига дастурий воситалар ва ахборот тизимларига Давлат буюртмасини шакллантириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, соҳанинг ривожига «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларига мос келади. Зеро, инновация тараққиёти мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради.

Феруз ЖўРАЕВ, «Adolat» мухбири

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета

Беш муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдуллатиф СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54; Маданият, ахборот, спорт ҳамда халқаро ва шўжоялар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс); Котибият — 288-42-06 (148).

Навбатчи муҳаррир — Фарҳод ЭСОНОВ. Навбатчи — Фулом ХИДИРОВ.

«Adolat»дан қўчириб босиш таҳририят рўхсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.

adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5217

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма — 1100. Ҳажми — 4 босма табоқ. Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 5861. Босишга топириш вақти — 21.00 Босишга топирилди — 22.20 1 2 3 4 5